

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факултет декани

Н.Сафаев _____

“ ____ “ _____ 2011 йил

5140800 – Педагогика ва Психология факултети 401- гуруҳ талабаси
Абдухалилова Саодат Юрсунбаевнанинг

“Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида ўзини- ўзи англашнинг
психологик хусусиятлари” мавзусидаги

Битирув малакавий иши

“Ҳимояга тавсия этилган”

“Психология” кафедраси мудири

Доцент Н.Ғ. Камилова _____

Илмий раҳбар:

Ш.Т.Халикова _____

Такризчилар:

1. _____

Ф.И.О. имзо

2. _____

Ф.И.О. имзо

Мундарижа

Кириш.

I боб Ўзини-ўзи англаш муаммосининг психологик-педагогик адабиётларда ўрганилганлиги.

1.1. Психологияда ўзини-ўзи англаш муаммосининг ёритилиши.

1.2. Кичик мактаб ёш даврда шахс ривожланишининг ўзига хослиги.

I боб бўйича хулоса.

II боб. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўзини –ўзи англашни шаклланганлигини экспериментал тадқиқ этиш.

2.1. Тадқиқот методологияси ва методлари

2.2. Меҳрибонлик уйи ва оилада тарбияланаётган болаларнинг ўзини-ўзи англашнинг психологик хусусиятлари.

2.3 Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзини-ўзи баҳолаш динамикаси

II боб бўйича хулоса.

Хулоса ва тавсиялар.

Фойдаланилган адабиётлар .

КИРИШ

Психологияни ўрганиш инсонлар томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликларни, жамиятдаги илғор ғоялар ва таълимотларни, ўқувчи ёшларнинг касбий, руҳий кечинмалари, ақлий қобилияти, идроки ва бошқа қонуниятларни ўз ичига олади.

20-асрда эришилган ютуқлардан энг муҳими шу бўлдики, инсон ўз ақл-идроки, тафаккури ва ижобий салоҳияти билан мураккаб техника асри муаммоларини ечишга интилмоқда. Бошқа фанлар қаторида психология фани ҳам янгича мазмун кашф этмоқда. Жамиятимизда ўтказилаётган ислохатларнинг барчаси инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, психологиянинг замон ва макондаги ўрнини, инсоният тарихида тутган ўрнини, миллий ифтихорини, ғурурини мустақил ва холисона англаб олишдир. Ҳар қандай миллат ўз психологияга эга бўлса юз берган ижтимоий-психологик жараёнларни чуқурроқ тушунади. Маълумки, инсонда барча психик жараёнлар ва шахсий хусусиятлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Психик жараёнлар ҳам, психик хусусиятлар эҳтиёж, қизиқиш, малака ва одатлар, характер, қобилиятлар ҳам одамнинг мавжуд фаолияти жараёнида намоён бўлади. Шу сабабли шахснинг моҳияти барча ижтимоий муносабатлар йиғиндисидан иборатдир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг мақсад ва вазифалари давлатимизнинг таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган устувор сиёсати, замонавий, рақобатдош кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил қилишга йўналтирилган таълим ислохатларини ҳаётга тадбиқ этиш имконини берувчи устувор вазифаларини белгилаб беради.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» талабларини ҳаётга жорий этиш борасидаги республикамиз халқ таълими ва олий таълим тизимида

жуда катта оламшумул ўзгаришлар амалга оширилиб, ҳукуратимиз томонидан қабул қилинган ва қабул қилинаётган кўпчилик қонун ва қарорлар мукамал, етук мутахассис тайёрлаш масалаларига қаратилмоқда.

Республикаимизнинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига кириши, таълим-тарбия соҳасининг ва ички меҳнат бозорининг жадал ривожланиши малакали мутахассисларни тайёрлашга юқори талабларни кўяди. Юртимизда малакали кадрларни етказиб бериш муаммоси устида фикр юритар экан Президентимиз И.А.Каримов жумладан шундай дейди:

«Бу ёруғ оламда ҳар бир одам ўзининг меҳрибон ота-онасига, устоз ва муаллимларига нисбатан ҳамиша миннатдорчилик туйғуси билан яшайди. Инсон ўз умри давомида қандай ютуқ ва натижаларига эришмасин, қаерда, қандай лавозимда ишламасин, мактаб даргоҳида олган таълим-тарбияси унинг етук шахс ва малакали мутахассис бўлиб шаклланишида улкан аҳамиятга эга экани шубҳасиз. Зеро, ҳар томонлама баркамол, касбий маҳорат сирларини пухта эгаллаган мутахассислар юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўша олади».[1]

Дарҳақиқат, бундай фикрлар айни ҳақиқатир.

Тадқиқотнинг долзарблиги:

Мамлакатимиз эришган мустақиллик анъавий қадриятларимиз тикланишига асос яратди. Барча соҳаларда туб ислохатлар амалга оширилди. Айниқса ўсиб келаётган ёш авлоднинг ўзини ўзи англашига ҳар тарафлама барқарор ривожланишга катта эътибор қаратилди. Миллатнинг бундай қадриятларга яратилган шарт-шароит ва эътиборга асосланган ҳолда ўзлигини англаши, унга ишонч бахш этади ва истиқболли келажақка умид билан қарашига замин яратади, ўзини-

Ўзи яхши англаган шахсгина ўзгаларни тўғри тушуна олади. Ҳар қандай вазиятда ҳам ўзлиги сақлаган ҳолда адекват ёндошиб оқилона қарор қабул қилади. Бундай шахс ҳамиша ўзгаларга яхшилик қилиш, доим олға интилиш, жамиятга фойда келтиришни ўз ҳаёти мазмуни деб билади. Ҳар бир шахсда айнан шундай ўзини-ўзи англаш хусусиятини шакллантириш педагог ва психологлар олдига улкан вазифаларни қўяди. Бизга яхши маълумки шахс комолотида барча институтлар меҳрибонлик уйлариининг ҳам аҳамияти чексиздир. Бироқ ҳеч қандай ижтимоий институт меҳрибон севувчи ота-онанинг аҳил оиланинг ўрнини боса олмайди. Тақдир тақазоси ёки баъзи ота-она номига нолойиқ инсонлар туфайли баъзи болалар меҳрибонлик уйларига тарбияланиб вояга етишга мажбурлар. Зотан давлатимизнинг ёш авлод тарбиясига қаратилган кўплаб қонунлари жамиятимизнинг нозик қатламини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодирдир.

Илк болалик даврида “Мен” образининг барча тарафлари яъни ўзи ҳақидаги тасаввурлари ўзига-ўзи муносабати, ўзига-ўзи баҳо бериши тараққий этиб боради ва унинг асосида бола ўзини ўзи англаб туради. Лекин меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг ўзини-ўзи англаши соғлом оилада вояга етаётган тенгдошларидан сифат жиҳатидан фарқ қилиши мумкин. Улардаги ўзига-ўзи паст баҳо бериши, ўзини характери ва хусусиятларига фаолияти натижаларига, хулқ атворида баҳо бериш кўпроқ тарбияланувчиларнинг берган баҳоларига боғлиқ бўлишини ўзларини нодекват қабул қилиш қилишларидан далолат берадилар. Бу эса уларнинг келажакка бўлган ишончларига, идеалларига қобилиятларини намоён этишларига салбий таъсир қилиб, шахс сифатида тўлиқ баркамол бўлиб тараққий этишларига ижтимоийлашувига ҳаётда ўз ўрнини топа олишида катта тўсиқлар

келтириб чиқаради. Ўзини- ўзи тўлиқ англамаган шахс нафақат ўзига балки ўзларига ҳам зарар келтириши аёндр.

Шундай экан ушбу мавзу ҳар тарафлама тўлиқ ўрганилишини ва муаммони олдини олиш бартараф этиш йўллари ишлаб чиқишини талаб этади.

Чунки Президентимиз И.А.Каримов таъкидаганларидек “Иқтисодий ва таълим соҳасидаги барча ислоҳатларимизнинг провард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар улар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб боришдан иборатдир.

Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал инсонни тарбиялаш, таълим ва маърифат юксалтиришини миллий уйғониш ғоясини руёбга чиқарадиган янги авлод вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади”. [2]

Тадқиқотнинг мақсади: меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар ва оилада ўсаётган болаларда ўзини-ўзи англашнинг психологик хусусиятларини тадқиқ этиш.

Тадқиқот предмети: иккала гуруҳдаги ўқувчиларнинг ўзини-ўзи англашидаги ўзига хос психологик хусусиятлари, динамикаси.

Тадқиқот объекти: кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар.

Тадқиқот базаси: Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги 125 меҳрибонлик уйи ва 3- ўрта таълим мактаби.

Тадқиқотнинг илмий фарази:

1. Тахминимизча меҳрибонлик уйларида ва оилада вояга етаётган кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўзини-ўзи англаш соҳасида унинг динамикасида психологик механизмларида сезиларли тафовутлар мавжуд бўлиши мумкин.

2.Тахминимизча катталарнинг берган баҳоси таъсир доирасига кўра оилада ва меҳрибонлик уйларида тарбияловчилари ўзига- ўзи берадиган баҳосида турлича акс этиши мумкин.

3. Тахминимизча оилада ва меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг ўзига ўзи баҳо бериши, ўзи ҳақидаги тасаввурлари ва “Мен” образида сезиларли фарқлар мавжуд бўлиб, бу уларнинг ўзларини англаганлик даражасида турлича намоён бўлиши мумкин.

Тадқиқот вазифалари:

- 1.Муаммо юзасидан адабиётлар таҳлили.
- 2.Тадқиқот методикаларини танлаш ва ўтказиш .
- 3.Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўзини-ўзи англашга таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганиш.
- 4.Натижаларни миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиш.
- 5.Илмий хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари:

- 1.Кузатиш методи. Бунда ўқувчилар фаолияти ва ҳолати кузатилиб махсус кундаликка қайд қилиб борилади.

Тадқиқот методикалари:

- 1.А.И.Лисинанинг “3 баҳо” методикасидан ўқувчиларнинг ўзига-ўзи баҳо бериш хусусиятларини аниқлашда фойдаланилади.
- 2.Ўқувчилардан саломатлик, ақлий тараққиёт ва характер хусусиятларига ўз ўзларини баҳолаш даражаларини аниқлаш учун Денбо Рубинштейннинг “Ўз ўзига баҳо бериш” методикасидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг методологик асосини психология фанидаги онг ва фаолият бирлиги, детерминизм тамойиллари, Б.Ф.Ломовнинг шахснинг ўрганишга тизимли ёндашуви ва Л.С.Выготскийнинг маданий тарихий

концепцияси, Президентимиз И.А.Каримовнинг асарларидаги ёш авлодга таълим ва тарбия бериш борасидаги ғоялари, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Соғлом авлод учун дастури ташкил қилади.

Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.

Ўрганилган адабиётлар ва ўтказилган тадқиқот натижалари асосида тўпланган маълумотлар бола шахсида ўзини- ўзи англашнинг адекват таркиб топишига ёрдам беради.Шунингдек шахсда ўзини-ўзи англашга таъсир этувчи омилларни унинг психологик механизмларини ўзига хосликларни тадқиқ этишда самарали натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Олинган хулосалар, натижалардан амалиётчи психологлар, педагоглар фаолиятларида кенг фойдаланишлари мумкин.

I БОБ.Ўзини-ўзи англаш муаммосининг психологик-педагогик адабиётларда ўрганилганлиги

1.1 Психологияда ўзини-ўз англаш муаммоси ёритилиши

Шахснинг ўзини-ўзи баҳолаш тўғрисидаги муаммоси ўзининг долзарблиги билан фаннинг тадқиқот доирасидан, предметдан ташқари чиқади. Шахс тузилишига оид илмий тасаввурларнинг яратилиши, ишлаб чиқиши яхлит назариясининг зарурий шarti ҳисобланиб, инсоннинг ижтимоий моҳиятини қирраларини очиш имкониятига эгадир. Худди шу боисдан психология фалсафа, педагогика, тиббиёт сингари фанларнинг намоёндалари томонидан уни муҳокама қилишда намоён бўлаётганлиги туфайли қизиқишнинг юксаклигидан далолат бермоқда.

Психология фанидан шахсга структуравий ёндошиш буйича салмоқли илмий изланишлар амалга оширилганлиги қонуний ҳолат бўлиб, хилма-хил шахс структурасининг яратилганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу борада Б.Г.Ананьевнинг фикрича психологик ходисаларни ақл (интелект) ҳиссиёт (эмоция) ва иродага ажратилиш инсон психологиясида структуравий ёндашиш тажрибасининг даслабки кўриниши бўлиб, унинг ҳақчиллигини кўпгина психологлар томонидан тан олинди. Б.Г.Ананьев структуравий ёндашишнинг бошқа вариантлари тарикасида турлича психик ходисалар билан қарама-қарши алоқаларнинг эътироф этилиши психик актларнинг психик функциялар онининг онсизлик тенденцияларининг потенциаллар билан уйғунлигини таъкидлайди. Л.С.Виготскийнинг мулоҳазасига кўра

инсоннинг психик функцияларини юксак маданий, қуйи табиий турларига ажратишни киритиш мумкин, чунки уларнинг негизида таълим билан инсоннинг олий нерв фаолиятида биринчи ва иккинчи сигналлар системасининг ўзаро таъсирининг ифодаланиши ётади.

Ҳозирги даврда психология фанида психологик ҳодисаларни психик жараёнларга, ҳолатларга, шахснинг хусусиятларига ажратиш қабул қилинганлиги, муҳим аҳамиятга эга. Бундай ёндашувнинг мавжудлиги Б.Г.Ананьев томонидан структуравий концепциянинг бир тажрибаси сифатида қаралади. Бу воқелик “ҳодисаларни бир қатор жабҳалари билан тўлдиришга интилиш психофизик хусусият “ касб этиб психик жараёнлар учун дастлабки материаларни тўплаш имкониятини (идрок, тафаккур,эмоция,ирода)беради. Унинг фикрича дастлабки материаллар бир томондан психик функциялар, ҳулқнинг иккинчиси томонидан элементлар мотивлари (эҳтиёж, установкалар) ҳисобланади. Олимнинг мулоҳазасича бу қўшимчалар “Инетик” маъно касб этиб, физиология мия механизмларини умумпсихологик ва нейрогумарал рецепторларни қамраб олиши психологияга ўтишга имконият беради. Лекин, ушбу структуравий ёндашувнинг махсус психологик деб қарашдан қатъий назар ҳозирги замон кинетик инсоншунослиги учун умумий аҳамиятли жиҳатни юксакликка кўтаришга қодир эмас.

Психология фанида қўлланиб келинаётган ва нисбатан барқарорлашган шахсни йўналганликка, темпераментга, характер ва қобилиятларга бўлиш етарли даражада кескин эътирозларга сабаб бўлаётгани йўқ. Шунинг учун кўпгина психологлар умумий тизимнинг мажмуасини ташкил қилувчи мураккаб хусусиятларнинг тузилиши

сифатида қарайдилар ва шахснинг яхлит тавсифини ифодалайди деб тушунтирадилар А.Г.Ковалевнинг фикрича темпрамент табиий (ирсий) хусусиятларнинг тизимини билдириб келади.

Йўналганлик- эҳтиёж қизиқиш идеаллар тизими, қобилиятлар интеллектуал иродавий ва эмоционал хислатлар, характер ҳулқ-атвор усулларининг ва муносабатларнинг синтезидир.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, шахснинг мураккаб тузилишига эга бўлган кўп қиррали хусусиятлари ўзаро бир-бирларининг ичига сингиб кетганлиги натижасида табиий, эмоционал эҳтиёжлар муносабатлар ҳулқ-атвор усуллари тўғрисидаги мулоҳазалар умумлашмасидир. Чунки, қизиқишлар ва идеалларни интеллектуал эмоционал иродавий хусусиятларсиз тасаввур қилиш мумкин бўлмагандай, муносабатлар ва ҳулқ атвор усуллари ҳам ҳукм суриши ғайритабиий ҳолатдир.

Б.Д.Паригиннинг фикрича шахснинг статик тузилишига қуйидагилар киради.

1. умуминсоний психологик хусусиятлар.
2. миллий касбий иқтисодий сиёсий, синфий бирликка алоқадор ижтимоий ўзига хос хусусиятлар.
3. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари олимлар томонидан таъкидлаб ўтилган хусусиятларининг ҳар қайси шахс психикасида мавжуд бўлиб, улар алоҳида хислатлар гуруҳи кўринишига эга эмасдирлар.

“Мен”- образи асосида мос тарзида ҳар ҳил бўлиши мумкин. Ўз-ўзига нисбатан баҳо турли сифатлар ва шахснинг орттирилган тажрибаси ва шу тажрибаси асосида ётган ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Яъни айти бирор иш ютуқ юзасидан ортиб кетса, бошқаси таъсирида-аксинча пастлаб кетиши мумкин. Бу баҳо аслида шахсга бошқаларнинг реал муносабатларига боғлиқ бўлса-да, аслида у шахс онги тизимидаги мезонларга яъни унинг ўзи субъектив тарзда шу муносабатларни қанчалик қадрлашига боғлиқ тарзда шаклланади. Масалан, мактабда бир фан ўқитувчисининг болага нисбатан ижобий муносабати, доимий мактовлари унинг ўз-ўзига баҳосини оширса, бошқа ўқитувчининг салбий муносабати ҳам бу баҳони пастлатмаслиги мумкин. Яъни бу баҳо кўпроқ шахснинг ўзига боғлиқ бўлиб, у субъектив характерга эгадир.

Ўз-ўзига баҳо нафақат ҳақиқатга яқин (адектив) тўғри бўлиши, балки у ўта паст ёки юқори ҳам бўлиши мумкин.

Ўз-ўзига баҳо паст бўлиши кўпинча атрофдагиларнинг шахсга нисбатан қуяётган талабларнинг ўта ортиқлиги уларни уддалай олмаслик турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши ишда, ўқитишда ва муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин. Бундай бола ёки катта одам ҳам доимо тушкунлик ҳолатига тушиб қолиши, атрофдагилардан четроқда юришга ҳаракат қилиши ўзини қучи ва қобилиятсизлик ишончсизлик кайфиятида бўлиши билан ажралиб туради ва бора-бора шахсда қатор салбий сифатлар ва хатти-ҳаракатларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳатто бундай ҳолат сусидиал ҳаракатлар яъни ўз жонига қасд қилиш

реал борликдан “қочилса” интилиш психологиясини ҳам келтириб чиқариши мумкин.

Ўз-ўзига баҳонинг ўта юқорилиги ҳам шахс хулқ-атвориға яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки, у ҳам шахс ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тариқа бўрттирилиши ноўрин мақтовлар турли қийинчиликларни четлаб ўтишға интилиш туфайли таъкидланади. Ана шундай шароитда пайдо бўлган психологик ҳолат “ноадекватлилик эффекти” деб аталиб, унинг оқибатида шахс ҳаттоки мағлубиятға учраганда ёки ўзида ночорлик, укувсизликни сезганда ҳам бунинг сабабини ўзгаларда деб билади ва шунча ўзини ишонтиради. Масалан, “ҳалақит беради”, (“ фалончи бўлмаганида” каби баҳоналар кўпаяди). Яъни, нимаики бўлмасин айбдор ўзи эса атрофдагилар, шарт-шароит, тақдир айбдор. Бундайлар ҳақида бора-бора одамлар “оёғи ердан узилган”, “димоғдор” каби сифатлар гапира бошлайдилар. Демак, ўз-ўзига баҳо реалистик, адекват, тўғри бўлиши керак.

Реалистик баҳо шахсни тўғри ўраб турганлар- ота-она яқин қариндошлар, педагог ва мураббийлар, кўни-кўшни ва яқинларнинг ўринли ва асосли баҳолари реал самимий муносабатлари маҳсули бўлиб, шахс ушбу муносабатларни илк ёшиданоқ холис қабул қилишға ўз вақтида керак бўлса, тўғрилашға ўргатилган бўлади. Бунда шахс учун эталон, ибратли ҳисобланган инсонлар гуруҳи- референт гуруҳнинг роли катта бўлади. Чунки биз кундалик ҳаётда ҳамманинг фикри ва баҳосига кулоқ солавермаймиз, биз учун шундай инсонлар мавжудки, уларнинг наҳотки оддийгина танбеҳлар, маслаҳатлари, ҳаттоки мақтаб туриб берган танбеҳлари ҳам катта аҳамиятға эга. Бунда референт гуруҳ

мавжуд бўлиши ёки нореал ҳаёлий бўлиши мумкин. Шунинг учун ёшлар тарбиясида ёки реал жамоадаги одамларга мақсадга мувофиқ таъсир ёки тайзик кўрсатиши керак бўлса, уларнинг эталон, референт гуруҳини аниқлаш катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлади.

Шундай қилиб ўз-ўзига баҳо соф ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти шахсни ўраб турган жамият нормаларига шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган қадриятларга боғлиқ бўлади. Кенг маънодаги йирик ижтимоий жамоалар эталон ролини ўйнаши оқибатида шаклланадиган ўз-ўзини баҳолашнинг юксак даражаси ҳисобланади. Масалан, мустаққилик шароитида мамлакатимиз ёшлари онгига миллий қадриятларимизнинг сингиши ватанпарварлик, адолатлилик, фидойилик сифатларининг шаклланиши ва мустақиллик мафкурасига садоқат ҳиссаларининг тарбияланиши, табиий ҳам бир ёшда авлодда ўзлигини англаш ўзи мансуб бўлган халқ ва миллат маънавиятини қадрлаш ҳиссалари ривожлантирмоқда. Бу эса ўта миллий ўзликни англашнинг пойдевори ва муҳим шакллантирувчи механизмдир. Демак, ўз-ўзини баҳолаш, ўз-ўзини тарбиялашнинг муҳим мезонидир. Ўз-ўзини тарбиялаш омллари ва механизмларига эса қуйидагилар киради:

- Ўз- ўзи билан мулоқот
- Ўз -ўзни ишонтириш
- Ўз -ўзига буйруқ бериш
- Ўз -ўзига таъсир ёки авто сипестия.

Ички интизом ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим мезони ҳар доим ҳар ерда ўзининг барча ҳаракатларини мунтазам равишда коррекция қилиш ва бошқариш учун зарур сифат.

Шахснинг қандай сифатларга эга эканлиги ундаги баҳоларнинг объективлигига боғлиқ тарзда ўз-ўзи билан мулоқотга киришиб, жадвалдаги мувофиқ шахс ўзини назорат қила олади. Шунинг учун ҳам ҳаётда шунданй кишилар учрайдики, катта мажлисда иш тадқиқда учраса ҳам ўзига холис баҳо бериб керакли хулоса чиқара олади. Бу шахснинг талаблар даражаси ва мақсадларга боғлиқ бўлади.

Ҳозирги замонда психология фанида ўзини-ўзи англашнинг табиатини тушунтиришда талқин қилишда икки ҳил қараш ёндашиш мавжуд бўлиб, улар бир-биридан кескин даражада тафовутланиб туради. Биринчи ёндашишга қараганда ўзини-ўзи англаш –бу ўз йўналишини ўзгартирган онгнинг айнан ўзидир, худди шу боис у инсон онгининг махсус кўриниши демакдир. Ушбу талқин собиқ Совет психологиясида кенг тарқалган назария бўлиб, Л.С.Виготский, А.Н.Леонтьев, Е.В.Шорохов, И.И.Чеснакова, В.В.Столин ва уларнинг шогирдлари томонидан илмий амалий жиҳатдан тадқиқ қилиб келинмоқда.

Бу соҳадаги иккинчи мулоҳаза С.Л.Рубинштейннинг илмий ишларида ўз ифодасини топган бўлиб, кейинги даврларда унинг шогирди К.А.Абулханова Славская томонидан ўтказилган изланишларда изчил равишда ривожлантирилмоқда. Унинг фикрига биноан онг ва ўзини-ўзи англаш жисмоний реал ҳамда юридик шахсга таалуқли хусусиятлардан иборат бўлиб, улар унинг ҳаёти ва фаолиятини восита ёки “Қурол” сифатида таъминлаб турувчи руҳий жараёндир.

Иккинчи ёндашиш ўзини-ўзи англашнинг табиати юзасида тўғри (адекват) маълумот бериш имкониятига эга, бинобарин методологик

нуқтаи назардан уни илмий-назарий ва амалий тадбикий жиҳатдан тадқиқот қилиш юксак кўрсаткичлар бериши мумкин.

Шахснинг ўз-ўзини англаши, ўзининг хулқ атвори, ҳатти-ҳаракати, фикр маъсуллиги ҳамда жамиятдаги ўрини аниқ билиб бориши унинг айни пайтдаги “мен”ини белгилайди. Шахснинг ўй-фикрлари, муайян мақсад йўлидаги келажак орзу-интилишлари, тасаввурлари “мен” образини ташкил этади. Шунинг заминида шахс режалари, касб фаолияти жараёнидаги фаол ҳаракатлари ва истакларини рўёбга чиқа бориши эса “мен” қобилятини вужудга келтиради. Шахс қобилятининг ривожланиши ва рўёбга чиқишида ички ва ташқи омилларнинг таъсири бор. Ички омил деганда шахс руҳияти ва фикрий соғломлиги, мантикий тафаккурининг аниқлиги, ирода ва эътиқоднинг бутунлиги тушунилади.

“Шахс қобилятининг илк куртаклари туғма лаёқат билан боғлиқ бўлиб, қолган қисми ижтимоий ҳаётнинг ўзига хос шарт-шароитлар ва тарбия асосида шаклланади”.[2].

Кундалик ҳаёт талаблари, турли қонун-қоидаларга шахснинг ўз вақтида жавоб бериб бориши ҳам қобилят куртакларини янада таркиб топишига асос бўлади. Ўтказилган тажрибалар, изланишлар таҳлилидан маълумки, шахсда кўзга ташланадиган қобилят уни фаолликка чорлайди.

Шаклланган қобилят ва муайян маҳорат белгилари фарқланади. Шахс субъект сифатида муайян фаолият мезонлари талабларига жавоб бера олади. Ўзининг “мен” дастурига эга бўлади. Бир сўз билан айтганда қобилят фаол шахснинг фаолият омили бўла олади.

Шахс фаоллигида эса унинг “Мен”ига хос фаоллик сари ундовчи мотивлар бўлиши лозим. Бу жараён айниқса мактабгача ва бошланғич таълим узвийлигида шакллантирилиб борилиши алоҳида муаммо ҳисобланади. Чунки бу жараёнда бола ўз фаолиятининг устуворлиги асосида таълим фаолиятига кириб келади.

Ўқувчидаги жисмоний ҳаракат ақлий-иродавий ҳаракатлар билан изчил боғланиб кетади. Бунда болани мақсадни тўғри қўя олишга ўргатиш, қўйилган мақсадни эса фаолият (ўйин, ўқиш, ижтимоий фойдали меҳнат) эҳтиёжига айлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Бошланғич таълимда ўйин эҳтиёжи билан билим олиш эҳтиёжи уйғун равишда бир-бирини тўлдириб бориши таълимдаги тизимлик ва изчиллик тамоилига асосланади. Ўйин жараёнига хос фаоллик ва бунда шаклланган иродавий сифатлар, боладаги қатъиятсизлик, ғурур, унинг характерида ўз ифодасини топади. Болада билим олишга бўлган маъсулият ҳисси ижтимоий омиллар таъсирида бурч ва виждон ҳиссига айланади. Бола ўзи бошлаган ишни охирига етказишга ва ўз меҳнатидан озгина бўлса ҳам қониқиш ҳосил қилишга интилади. Бола мактабга илк қадам қўйгандан бошлаб, уни тугатгунга қадар уч минг мартадан ортиқроқ қўнғироқ жаранги эшитилар экан. Қўнғироқ овозини ўқувчилар ҳатто ўқитувчиларнинг ҳам айримлари дарсга кириш ва таннафусни билдириш шакли кўринишида эътироф этишлари маълум бўлади. Қўнғироқ овози мактаб таълимига хос режасини тартибга солувчи восита вазифасини бажаради. Қўнғироқ овози шахсни ижтимоий фаолликка ундовчи омил вазифасини бажаради. “Бу хулқ-атвор шахсан ўқувчининг ўзи учун қандай маънога эга бўлишига қараб, унда ҳар ҳил сифатларни таркиб топишига сабаб бўлади”. [3] Ўқувчи ҳам, ўз навбатида ўқитувчини ҳам вақтдан унумли фойдаланишга

ундайди. Бундан ташқари маънавий-ахлоқий шаклланишига, касб сирларини билган ҳолда ёндошишлари лозим.

1.2 Кичик мактаб ёш даврда шахс ривожланишининг ўзига хослиги

Мактаб бола ҳаётида бурилиш нуқтаси ҳисобланади ва унинг шахс сифатида ривожланишига кескин таъсир этувчи туртки вазифасини ўтайди. Таълим жараёни **ўқитувчилар ва синфдошлар** билан янгича хусусиятга эга бўлган муносабатни келтириб чиаради. Бола бутун бир катта жамоа тизимига қўшилади: мактаб, синф, тўғараклар ва бошқалар. Таълим унинг олдига бир қатор зарурий талабларни қўяди, натижада у ўқувчининг бурчи, ҳаёт ва фаолият тарзи, қонун-қоида, қун тартиби қабиларга сўзсиз бўйсунушга олиб келади. Таълим –тарбия тизими моҳияти ўқувчиларда характерни, иродани шакллантиради, қизиқишлар доирасини кенгайтиради, кўникма ва малакаларни таркиб топтиради, қобилият, истеъдод, интилишни тараққий эттира бошлайди. Ўқувчи томонидан ахлоқий меъёрларни, ҳатти-ҳаракат қоидаларини ўзлаштириш ахлоқий ҳатти-ҳаракат негизини вужудга келтиради, онгли интизом ва онгли муносабатни келтириб чиқаради.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг шахс хусусиятлари, сифат ва фазилатлари, уларнинг онглилик даражаси 1 синфдан 4 синфгача бўлган давр мобайнида муҳим ўзгаришларни бошидан кечиаради. Мазкур ёш даврида ахлоқий билим, кўникма тасаввур мулоҳазалар сезиларли даражада бойийди, онгли даражаси ортади, турлича шакл ва моҳиятти ўзида акс эттиради, кўпгина ҳолатлар умумлашмалар босқичига ўсиб ўтади.

Биринчи ва иккинчи синфларда ўқувчиларнинг ахлоқий мулоҳазалари ўз ҳатти-харакати тажрибасига ва ўқитувчилар, оналар кўрсатмаларига асосланса, учинчи ва тўртинчи синфларда эса бу нарса шахсий тажриба, кўрсатма билан бирга, ўзгалар хулқ-атвори таҳлили, иборати, намунаси негизига қурилади. Бу жараёнда кинофильмлар, бадиий адабиёт муҳим рол ўйнайди ҳамда ижобий қаҳрамонлар намунаси кучли таъсир ўтказади.

Ушбу ёшдаги ўқувчиларда характер хислатлари, ҳатти-харакатлари бекорлиги, қарама-қаршилиги билан бир-биридан тафовутланиб туради. Характерологик хусусиятлар биринчи синф ўқувчиларида кўпинча ташқи ифодага эга бўлиш кўзга ташланади. Йирик собиқ совет психологи Н.Д.Левитовнинг кўрсатишича Биринчи синф ўқувчиси синфида ибратли, матонатли деб баҳоланиб келган, лекин янги топшириқни берилиши биланок у ишини охирига етказа олмаган. Муаллифнинг фикрича, бу характер хислати ўткинчи, беқарор хусусиятга эгадир. Қатъийлик, матонатнинг кучсизлиги муваффақиятсизликка олиб келган. Демак тасодифий ҳолатлар уни издан чиқарган.

Бу даврда ўқувчилар ҳатти-харакатларида олий нерв фаолиятининг типологик хусусиятлари номоён бўла бошлайди. Баъзан ҳатти –харакатлар ниқобланган ҳолда юзага келиши кузатилади. Жумладан, ўқувчилардаги уятчанлик, тортинчоқлик, нерв системасини кучсизлиги, ўзини ирода қила олмаслик, импульсивлик тормозланишнинг заифлигини билдиради. Улардаги реакциянинг бир фаолият туридан иккинчисига кўчишнинг сустлиги ҳаракатчанликнинг заифлигини англатиб келади. Бундай ҳолат тарбия жараёнида узлуксиз

равишда таъсир ўтказишини тақазо қилади, таъсирланиш уқуви вужудга келишини таъминлайди. Характердаги импульсивлик (беихтиёрйлик), ўқувчиларнинг ўйламасдан ўз феъл –атворини кўрсатишга, оқибатни ҳисобга олмасликка, бевосита майллар, ғавқулотдаги сабаблар, тасодифий воқеилик таъсирида ҳаракат қилишига мойилликни намоёиш қилади. Уларда учрайдиган энг кенг тарқалган камчиликлар бу инжиқлик ва қайсарликдир. Ўқувчиларда ироданинг етишмаслиги оқибатида бу ёшда инжиқлик, қайсарлик иллатлари пайдо бўлади ва мактаб томонидан қўйилган қатъий талабларга нисбатан норозилик шакли сифатида намоён бўлади. Зарурий иш билан шахсий хоҳиш ўртасидаги қарама-қаршилик шунга ўхшаш камчиликларни келтириб чиқаради.

Ўқувчиларнинг характериға хос хусусиятлари кўпинча уларнинг меҳрибонлиги, билим чанқоқлиги, қизиқувчанлиги, ростгўйлиги, самимийлиги. Ишонувчанлиги каби ижобий ғазилатлар ҳислатлар, сифатлар кўзга ташланади. Ўқувчиларнинг энг муҳим хусусиятлардан бири тақлидчанлик. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар катта ёшдаги одамларга, синфдошларга, асар ёки фильм қаҳрамонларига тақлид қиладилар. Бу психологик ҳодиса, бир томондан, шахсий намуна орқали ижтимоий қимматли ҳислатларни шакллантиришса, иккинчи томондан, салбий жиҳатларни таркиб топишига замин ҳозирлайди. Худдий шу боис уларда энг ибратли ғазилатлар, ножўя қилиқлар вужудга келади, баъзи ҳолларда ҳатти-ҳаракати кўринишлари, сўзлаш услублари умуминсоний талабларга сира жавоб бермаслиги мумкин, чунончи, кўрслик, бесўнақай қилиқлар, олифтнома гердайиш кабилар.

Кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари серҳаяжон ва ҳис туйғуларга берилувчандирлар. Биринчидан, уларнинг идроклари, кузатишлари, ҳаёллари, ақлий фаолиятлари, хоҳиш –иродалар одатда ҳиссий бўёқларга бой бўлади. Иккинчидан 1 ва 2 синф ўқувчилари ўз ҳиссиётларини бошқара олмайдилар, натижада улар кўпинча ҳиссиётнинг намоён бўлишини назорат қила олмайдилар ҳамда ўзларини тийиб тура олмайдилар. Шунга қарамасдан, улар ўз ҳис-туйғуларини, ташвиш ва ғуссаларни, кўрқув ва қаноат туйғуларини намоёишкорона изҳор қила оладилар. Учинчидан, улар ўзларининг эмоционал барқарорликлари, кайфиятларининг қатъий эмаслиги, стресс ва жазава ҳолатларига мойилликларини намоён этадилар. Улардаги ҳиссий кечинмалар қисқа муддатли, жўшқин кечиши билан бошқа ёшдаги ўқувчилардан ажралиб турадилар. Ёшлари улғайган сари ўқувчиларда ўз ҳиссиётларни бошқариш, баҳолаш, назорат қилиш, ўнғайсизлик, ёқимсизлик ҳолатларининг намоён бўлишига йўл қўймаслик уқуви такомиллашиб боради. Ижтимоий қонун- қоидалар мезонига асосланиб, ўз ҳатти-ҳаракатларини идора қилишга ўргана борадилар, бу жараёнда уларни ташқаридан баҳолаш муҳим аҳамият касб этади, обрў, нуфуз эгаллаш туйғуси ҳамма нарсадан устунлик қилади.

Кичик мактаб ёшдаги давр характерининг ижобий ҳислатларини таркиб топтириш учун қулай шарт-шароитлар, имкониятлар ярата олади. Уларнинг барча нарсаларга, ҳолатларга тез кўникувчанлиги, таъсирчан, ишонувчан, тақлидчанлиги, бир қатор воқеиликлар моҳиятига мойиллиги, ўқитувчи обрўсига чексиз садоқатлилиги шахсий фазилатларини шакллантириш жараёнини ҳисобга олишни тақазо этади. Учинчи синфдан бошлаб талаблар доирасини кенгайтириш, таъсир ўтказишни оқилона йўлга қўйилганлиги туфайли уларда

меҳнатсеварлик, тиришқоқлик, интизомлик, тартиблилик каби ҳислатлар таркиб топади. Ўқувчиларда аста секинлик билан шахсий ҳатти-ҳаракат ва ақлий фаолиятни иродавий зўр бериш йўли билан бошқариш уқуви ривожлана боради. Ўзини тута билиш, назорат қилиш, баҳолаш, беихтиёр (импульсив) ҳолатларга берилмаслик малакаси юзага келади, қатъийлик, қийинчилик енгиш тобора кучаяди. III ва IV синф ўқувчилари сабаб кураши натижасида бурчи (фарзандлик, ўқувчилик, шахсий ва ижтимоий), сабаблари бошқалардан устунлигига эришадилар. Баъзан паст даражадаги сабаблар ҳам устунлик қилиши мумкин, чунончи, қаноат ҳосил қилиш. Лоқайдлик, бепарволик кўринишлари шулар жумласидандир. Айрим ҳолларда керакли ишлардан, машғулотлардан узоқлашиш содир бўлади, бунинг олдини олиш зарур, албатта.

Одатда III ва IV синфлардан бошлаб ўқувчиларда бурч ҳиссини англаш сезиларли равишда намоён бўлади. Бироқ уларда ҳали етарли даражада барқарор ва батамом мустаҳкам бўлмайди. Мазкур соҳада тадқиқот олиб борган Н.Б.Андрянва, П.П.Змин, В.А.Токарева, М.Ш.Расулева, Ж.Е.Полмонов кабиларнинг илмий асарларида бунинг ўзига ҳос қонуниятлари механизмлари мавжуд эканлиги исботлаб берилган. Юксак инсоний фазилатларини шакллантириш учун мактаб ва оиланинг ўзаро уйғунликда ҳаракат орқали таркиб топтириш мумкин. Ҳамкорликнинг дастурий асосига, қурилишига эса юқори самаралар беради, энг (сензитив) давр имкониятларидан тўғри фойдаланишга шароит яратади.

Психологик тадқиқотларда таъкидланишга қараганда, ўқувчиларда даставвал айрим ҳодисаларга ташқи ўзига жалб этувчи нарса ва

ходисаларга нисбатан қизиқишлар пайдо бўлади. Бу айниқса I-II синф ўқувчиларда оммавийлик хусусиятига эга. Муайян давр, муддат ўтиши билан сабаблар қонуниятлар, ходисалар ўртасидаги қонуниятлар, ходисалар ўртасидаги ички боғланиш, алоқа, ўзаро таъсирга оид билимларни ўзлаштиришга қизиқишлар вужудга келади. Ушбу ҳолат айниқса III-IV синфларда яққол кўзга ташланади. Кичик ёшидаги ўқувчиларда (I ва II синфларда) саволлар туғилади. Бу ёшда ўқиш ва ёзиш малакасини шакллана бошлаши, кўп нарсаларга нисбатан қизиқиш уйғотади. Қизиқиш ўқиш фаолиятдан зарурроқ бошқа соҳаларга ҳам тарқала боради. Ўғил ва қиз болаларнинг қизиқишида фарқлар вужудга келади ва унинг ижтимоий турмушидан бошлаб то техниккача кенгайиб боради. III ва IV синфларда эса ҳатто қишлоқ хўжалиги халқаро ҳолатларга нисбатан қизиқиш туғила бошлайди. Қизиқишнинг ривожланиши кўп жиҳатдан таълим мазмуни ҳам уни ташкил қилиш усуллари, воситаларига боғлиқ. Шунингдек, қизиқиш доирасининг кенгайиши оилавий муҳит, ахборотлар кўлами ва унинг нисбатан бошқа аъзоларининг муносабати маромига, барқарорлик даражасига узвий алоқадордир. Ўқувчиларда фаолликнинг вужудга келиши, ҳаракатларининг катталар томонидан оқилона баҳоланиши қизиқишини барқарорлаштиради, ўқишда, меҳнатда мувоффақият, ютуқларга сабаб бўлади. Мазкур ҳиссий ҳолатларни тўғри англаш, тушуниш, пайқаш ҳиссиёт етуқлигини таъминлайди, уларда турғун қизиқишлар шаклланишини вужудга келтиради. Айрим кўринишлардагина қизиқиш тор маънога эга бўлиши мумкин, чунки аскарият ҳолларда барча нарсаларга қизиқиш устунлик қилади.

Одатда кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар расм чизишга, лой ва пластилин билан ишлаш, ашула айтиш, мусиқа тинглаш сингари

жабҳаларга қизиқишлари юксакдир. Бу нарсаларнинг барчаси уларда нафосат ҳисларининг шакллантиришига олиб келади. Тана аъзоларининг ривожланиши кўриш, эшитиш, сезиш қўзғатувчиларини нозик ажрата олиш уқувини юзага келтиради ва тасаввур қилиш қобилиятини такомиллаштиради.

Ўқувчи шахсини шакллантиришнинг муҳим манбалари жамоат, оила муҳити, ўқиш, ўйин ва меҳнат фаолиятидир. Лекин кейинги йилларда бунинг сафига яна бир муҳим омил муомала келиб қўшилди. Мулоқот инсон ҳислатларини шакллантиришнинг негизи эканлигидир. Жамоа тенглик, фаоллик, мустақиллик, ўзаро ёрдам, ўртоқлик, дўстлик хислари, ўз-ўзини англаш, ўз мавқеини ўрнатиш, бурч ҳисси кабилар ўқитувчи ёрдамида ҳар қайси ўқувчида таркиб топтириб борилади. Ўқитувчи ёрдамида ҳар қайси ўқувчида таркиб топтириб борилади. Ўқитувчининг нуфузи, ибрат- намуна тимсоли эканлиги жамоада илиқ психологик муҳитни вужудга келтиради. Шахслараро муносабат “бизнинг синф” орқали барқарорлашади ва умумийлик туйғусини ривожлантиради. Шу тарзда “Мен” билан “Биз” ўртасида тенглик вужудга келади, кейинчалик эса “Биз” устуворлик қила бошлайди. Умумийликнинг шахсликдан устунлик қилиши натижасида жамоавий муносабат мустаҳкамланади. Иродавий, батартиблилик, ҳозир жавоблик, ташаббускорлик, тарбиялилик, ўртоқлилик, яқинлик ҳисларини шакллантириш натижасида жамоа манфатини шахсий мақсадидан юқори қўйишдек юксак туйғулар туғилади.

1 Боб бўйича хулоса

Психологик ҳамда педагогик адабиётларнинг таҳлили ассосида қуйидаги хулосаларга келинди.

1. Шахснинг ўзини- ўзи англаш масаласи кўпгина хориж психологларининг илмий тадқиқот предметига айланган бўлиб, улардан Л.С.Выготский, С.Л.Рубинштейннинг, А.Н.Леонтьев, Е.В.Шорохов, И.И.Чеснакова, В.В.Столин ва уларнинг шогирдлари томонидан илмий амалий ишлар амалга оширилган. Уларнинг таъкидлашича, ўзини-ўзи англаш –бу ўз йўналишини ўзгартирган онгнинг айнан ўзидир, худди шу боис у инсон онгининг махсус кўриниши демакдир.

2. Шахснинг ўзига-ўзи баҳоси соф ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг мазмуни ва моҳияти шахсни ўраб турган жамият меъёрларига, шу жамиятда қабул қилинган ва эъзозланадиган кадриятларга боғлиқ бўлади.

3.Меҳрибонлик ўйлари тарбияланувчиларида ўзини- ўзи англаш ва ўзига баҳо бериш муаммолари И.В.Дубровина, М.И.Лисина, Т.М Земляухина,Г.А Коряков,А.М Прихожан,Н.Н Толстих кабилар томонидан ўрганилган бўлиб,улар кўпроқ ўсмир ёшдагиларнинг ўзини-ўзи англаш, мустақил ҳаётга тайёргарлик ва касб танлаш масалаларига эътибор қаратганлар.

II БОБ КИЧИК МАКТАБ ЁШИДАГИ ЎҚУВЧИЛАРДА ЎЗИНИ-ЎЗИ АНГЛАГАНЛИГИНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТАДҚИҚ ЭТИШ.

2.1. Тадқиқот методологияси ва методлари

Ҳар қандай илмий муаммони тадқиқ қилишнинг методологик қирралари бўлади. Чунки ўрганиладиган илмий муаммо методологик жиҳатдан таҳлил қилингандан кейингина навбатдаги тадқиқот босқичларига кадам қуйиш зарур ҳисобланади.

Методологиянинг яхлит назарий асоси психология фанининг етакчи олимлари С.Л.Рубинштейн, А.Н.Леонтьев, Б.Г.Ананьев, Е.В.Шорохова, К.И.Анциферова ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган.

Детерминизм тамойили, онгнинг фаолиятда тараққий этиши тамойили, тарихийлик тамойили, системали ёндашув, комплекс ёндашув, субъектли ёндашув ва бошқалар психология фанида асосий тадқиқот тамойиллари сифатида қабул қилинган. Бизнинг битирув малакавий ишимизнинг методологик асосларидан бири қилиб олинган психология фанидаги тизимли ёндашувнинг мумтоз намояндаларидан бири Б.Ф.Ломовдир. Унинг фикрига кўра, тизимли ёндашув, биринчидан, психологик билимларни тартибга ва тизимга солиш вазифасини бажарса, иккинчидан, тизимли ёндашув категорияларида пайдо бўладиган муаммолар бўйича олиб бориладиган тадқиқотларнинг янги истиқболли йўналишларини очади.

«Система» (тизим) деганда, системани ташкил қиладиган даражалар иерархияси назарда тутилмай, балки бутун тизимнинг нисбатан юксак тараққий қилган ҳолатга ўтиши назарда тутилади.

Авваламбор, ўзини-ўзи англаш тушунчасига таъриф бериб ўтсак. Психологик луғатларда келтирилишича, (Қ. Турғунов. Психология терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. "Ўқитувчи нашриёти" 1975 й) ўз-ўзини англаш-бу одамнинг ўзини шахс сифатида таниши, ўзининг жисмоний ҳамда ақлиқ қобилиятларини, хатти-ҳаркатларини ва уларнинг мотивларини, атрофдаги борлиққа, ўз-ўзига бўлган муносабатларини англашдан иборат сифатидир. Демак, шахснинг ўзини-ўзи англаши учун унга албатта фаолият, шахслараро муносабатлар ва шу жараёнларда ўзини намоён эта олиш, ютуқ ва камчиликларини кўриб баҳолай олиш, баҳоланиш имкониятига эга бўлиши зарур. Болага ёшга боғлиқ равишда эркин ва мустақил фаолият юритиши, қарорлар қабул қилиш имконияти, ўзининг истак ва хохишларини, хис-туйғуларини очик намоён этиши, уни яқинлари томонидан қандай бўлса шундайлигича қабул қилиниши ва шартсиз меҳр берилиши унинг ўзини-ўзи англаш жараёнини мақсадга мувофиқ кечишини таъминлайди. Бу вазият аксарият оиласи бағрида ўсаётган, муносабатлар ижобий кечаётган болаларга хосдир. Бироқ тақдир тақозоси билан меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларда ўзини-ўзи англаш жараёни ўзгача тарзда кечади. Бу албатта уларнинг бу даргоҳга келгунларига қадар уларга бўлган эътибор ва муносабатларга ҳам боғлиқдир. Энди эса меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг ўзига ғос психологик хусусиятлари, уларнинг тараққиёти масалалари юзасидан қўлга киритилган маълумотларни кўриб чиқсак

Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари шу ёшдаги оилада тарбияланаётган тенгдошларидан кескин фарқ қилади. Мазкур тарбия муассаларида тарбияланаётган болалар психикасида ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги кузатиб келинмоқда. Хусусан бу даврда меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг психик ривожланиши хусусиятлари биринчи ўринда теvarак-атрофдаги кишилар билан муносабат муҳитида намоён бўлади. Меҳрибонлик уйи 9-10 ёшдаги ўқувчиларга катталар ва тенгдошларига бўлган муносабати, уларнинг болалар учун амалий фойдалилигига қараб маълум бўлади. У ёшда ҳис туйғуларнинг юзакилиги, маънавий қарамлик яъни уларнинг буйруқ асосида яшашга уриниш, ўзини англашда қийналиши, ўз-ўзига адекват баҳо ера олмаслик ва сифатлар шаклланган бўлади. Буларнинг ҳаммаси болаларнинг ақлий фаолиятига таъсир қилиб ўқув материални англашда қийинчиликларни юзага келтиради. Бу эса кўпол тартиб бузарликлар натижасида янада муракаблашади. Кейинчалик ўқувчи хулқ- атворида дайдилик, муассасасидан қочиш, ўғирлик ва бошқа деликвент хулқ кўринишларини пайдо қилади.

Статистик маълумотларга қараганда 30% ўқувчиларда ўғирлик қилишга мойилликни кўриш мумкин.

Болалар уйида тарбияланаётган деярли барча болаларга катталар билан мулоқотга киришиш, уларнинг муносабатларини нотўғри талқин қилиш ҳолатига тушиш хос.

Бир томондан катталарнинг уларга нисбатан диққатлироқ ва меҳрибонроқ бўлишга эҳтиёж сезиш, инсоний меҳр ва эркаликни кўтариш, ижобий эмоционал алоқаларга интилиш кучайган бўлади.

Ташқи томондан бу эҳтиёжларнинг тўлиқ қондирилмаслиги, катталарнинг болаларга эътиборсизлиги оилада ўсаётган тенгдошларига нисбатан 4-10 марта кам. Бу алоқаларда шахсий муносабатларнинг пастлиги эмоционал қашшоқлиги ва мазмунини бир ҳилда намоён бўлиши, хулқ-атворини қонун-қоида ва тартибларга риоя қилишга йўналтирилганлиги ва бошқа ҳолатлар болаларда катталарга нисбатан ишончсизлик, ҳадик, умуман улар билан бўладиган мулоқотда қийинчиликлар туғдиради. Кўпинча болалар билан ўзаро мулоқотда бўладиган катталарнинг алмашинуви, яъни тарбиячиларнинг бир гуруҳдан бошқа гуруҳга ўтиб кетиши, бир муассасадан бошқа муассасага ўтиб кетиши болаларга ёмон таъсир қилади.

Юқорида санаб ўтилган катталар билан бўладиган мулоқот хусусиятлари болаларни биринчидан, тўлақонли шахс шаклланиши асосида ётувчи муваффақият учун муҳим бўлган ўзининг кераклилиги ва бошқалар учун қадрлилиги ҳақида қайғуриш ўзига ишонч, дадилликни пайдо қилмайди. Шу билан бирга гўдакликдан меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларда эмоционал мулоқотга бўлган эҳтиёж тўла қондирмаслиги, уларда эмоционал мулоқотнинг меъёрида бўлмаслигига олиб келади. Бу эса уларнинг бутун умри давомида одамлар билан эмоционал мулоқот қилишда қийинчиликлар уйғотади.

Жуда ёшлигидан меҳрибонлик уйларида вояга етган болаларнинг ифодаланиши ва шаклланишида, оилада ўсган болалар меҳрининг шаклланишида жуда катта фарқ бор. Бу мамлакатимизда махсус тадқиқот ўтказган психолог Исмоил Хайдаровнинг диссертациясида ҳам ўз ифодасини топган. Бунинг бир неча сабаблари бор: биринчидан эрта

ёшлигидан катталарнинг, яъни ота-онанинг меҳрини кўрмаслиги оқибатида меҳр андозасидан маҳрум бўлади. Меҳрни ифодалашни ўргатадиган одамни бўлмаганлиги сабабли ҳам уларда бу ҳислат шаклланмайди.

Иккинчидан, меҳрибонлик уйларида болалар орасида мавжуд бўлган муҳит болаларни ўзлари ота-онасиз ифодаланадиган меҳрини бирмунча қадрсизлантиради.

Меҳрибонлик уйидаги болалар жамоасида меҳр эмас, балки куч, зўрлик кўпроқ қийматга эга бўлади. Бу эса меҳрибонликдан кўра, аксинча меҳрсизликни кўпроқ шаклланиши ва ифодаланишига олиб келади. Буларнинг барчаси меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болаларда оилада тарбияланаётган болаларга нисбатан хавотир ва тажаввузкорликни юқорилаб кетишига сабаб бўлади.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари характер ҳислатларидаги тажаввузкорликни (агрессивликни) келтириб чиқарувчи омиллардан бири айтиб ўтканимиздек оналик меҳрига ташналик (материнская депривация), ота-оналар тарбиясига муҳтожликдир, табиийки тор ижтимоий вазият ҳамдир.

Ҳозирги меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларда учрайдиган носоғлом муҳит биологик омилларнинг издан чиққанлигини кўрсатади. Чунки, бу болаларнинг 68-70%идан кўпроғини ота-онаси тирик етимларни ташкил этади. Биологик омилларни бузилиши эса ота-оналарнинг ичкиликбозлик, гиёҳванлик, фоҳишалик, жинойтчилик ва жамиятга зид турмуш тарзини кечириши болаларни шахсий индивидуал психологик хусусиятларини издан чиқишига бош сабаб бўлади.

Англиялик психолог олими Р.Бернис оналик меҳрига ташналикни таҳлил қила туриб шундай ёзади: Салбий “Мен” концепциясини ривожланиши ва ҳиссиз тажавузкорлик боланинг ота-онасига ва ота-оналик ролини бажарувчи кишиларга нисбатан қўполлиги натижасида болада бундан ҳеч кимга қўшилмаслик, одамовилик, тундлик ҳисси пайдо бўла бошлайди. Булар эса салбий “мен” концепциясининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Маълумки меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг “Мен” тассавури ва шу ёшдаги оилада ўсаётган болаларнинг “Мен” концепцияси бир-биридан фарқ қилади. Чек психологлари Й.Лонгмейер, З.Матейчик ўз тажрибаларида ота-она меҳри ва таянчини ҳис қилиб ўсмаган болада ўзига ишонч ҳиссининг камлигини исботлаб бердилар. Боланинг ўзига ишонч ҳиссининг йўқлиги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг характерли белгиларидан биридир.

Оилада тарбияланаётган ўқувчининг “Мен” образида сезиларли ўринни ўзининг бошқаларга шахс сифатида қараши эгаллайди. Кишини шахс сифатида қабул қилиб, унинг ички дунёси билан қизиқиш яхши ривожланган бўлади.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида эса бу ҳислат яхши ривожланмаган. Бу уларни яшаб турган шароитидан келиб чиқади. Бу болалар ўз ҳиссий кечинмалари, ўз шахсий қийинчиликлари ва бошқалар билан бўладиган шу муносабатдаги қийинчиликлари ҳақида кам гапириладилар ва кам эшитадилар.

Психолог М.И.Лисина ва бошқалар тадқиқотларидан ҳам шуни кўриш мумкин-ки, меҳрибонлик уйи тарбияларувчилари “Мен”

концециясида атрофдагилар билан мулоқот (алоқалар), бошқалар ички дунёсини тушуниш каби ҳислатлар кам аҳамиятга эга экан.

“Боланинг ўз яқинларини ва дўстларини, ҳис туйғуларини фарқлай олиши-деган эди психолог И.В.Дубровина, унинг ўзига, келжак ҳаётига жуда зарурдир. Ҳаёти давомида учрайдиган муаммоси вазиятларни тўғри ҳал этиш учун бу ҳислат зарур бўлади. Боланинг келажакда шахс бўлиб шаклланиши давларида унинг жинсига монанд шаклланиши боланинг психологиясида муаммоли вазиятни ҳосил қилади”.

Тадқиқотларда маълум бўлишича ота-она депривацияси болаларда оилавий ҳаётдаги эркак ва аёлларга хос бўлган хулқ-атвор стереотипларнинг шаклланишига тўсқинлик қилади. Бунда қизларда москулинизация: яъни эркарларга хос бўлган хусусиятларни шаклланиши, ўғил болаларда феминизация, яъни аёлларга хос бўлган хусусиятларни шаклланиши кузатилади.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари оилада ўсаётган болаларга караганда вазиятга тез мослашади. Вазиятни ўз мақсадига мослаштириб олади. Катталарга қарши чиқиш оилада тарбияланаётганларга нисбатан кам.

Меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларнинг кўпчилиги ўз хулқини бошқаришни билмайди, мустақил бирор ишни бажариш умумлаштиришни фарқига етишига қийналадилар.

Меҳрибонлик уйларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, у ердаги тарбияланувчиларнинг 80%ини отаси ёки онаси, ота ёки она ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Айримларнинг ота онаси фарзандларидан воз кечганлар. Айримларнинг ота оналари касаллиги

ёки узоқ юртга ишлашга кетганлиги сабабли болаларини “меҳрибонлик уйи”га тарбияланишга топширганлар. Болалар ота она депривецияси шароитида яшашга мажбур бўлмоқда. Ана шу депривация, уларнинг оила, оилавий муносабати, оила ҳақидаги тассавурларига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар ёлғизликни ҳис қиладилар. Гарчанд улар бир гуруҳда (20-28) кўп бўлсаларда бир-бирлари билан мулоқот яхши бўлсада, уларда эмоционал хистуйғуларни дефицитлигини кўриш мумкин. Бу уларнинг шундай муҳитда яшаётганлигидан келиб чиқади.

Улар тенгдошлари билан бўладиган мулоқотда шахсий интилиш томонига эътиборини қаратишлари тадқиқотларда аниқланади.

Маълумки, айтиб ўтилган мулоқотнинг бу томонга юқори даражадаги эътиборини қаратиш болаларни характерли хусусиятларидандир. (Л.И.Божович 1968 йил, Т.В.Дрогунова 1979 йил, И.С.Кан 1978, Д.Б.Эльсконин 1971 йил)..

Биз меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларида ўз-ўзини англашнинг психологик хусусиятларини экспериментал ўрганиш мақсадида илмий тадқиқот ўтказдик. Бу тадқиқотларда биз кичик мактаб ёшидаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг ўз-ўзларини англаш хусусиятлари ва оила шароитида тарбияланаётган болаларнинг ўз-ўзини англаш хусусиятларини психологик таҳлил қилишга ва улар ўртасидаги фарқни қай даражада эканлигини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Ўз тадқиқотларимиз давомида қуйидаги методикалардан фойдаландик:

1.Ўзингни англа методикасидан меҳрибонлик уйларида ва оилада тарбияланаётган кичик мактаб ўқувчиларининг ўзига ўзи баҳо бериш хусусиятларини аниқлашда фойдаланилди.

2.Шунингдек синалувчиларнинг ўзига-ўзига баҳо бериш хусусиятлари ва даражаларини аниқлаш учун ва битирув малакавий ишимизнинг максс два вазифаларидан келиб чиккан холда А.М.Прихожан томонидан модификация килинган Дембо-Рубинштейннинг «Уз-узини баҳолаш» методикасидан фойдаландик.

Ушбу методика мактаб ўқувчиларининг бир катор шахсий сифатларини, яъни соғлик, характер,акл вахакозо хусусиятларни бевосита баҳолаш (шкалаларда ифодалаш)га асосланган.Текширилувчиларга ушбу сифатлар уларда қай даражада ривожланганлигини (ўз-ўзини баҳолаш кўрсаткичи) ва ушбу сифатлар қанчалик ривожланган бўлишини иташлари, уларни қониқтириш (даъвогарлик даражаси)ни вертикал чизиқларда маълум бир белгилар билан курсатишлари сўралади.Хар бир синалувчига методика буйича кўрсатма ва вазифа ёзилган бланк берилади.

2.2. Мехрибонлик уйлари ва оилада тарбияланаётган болаларнинг ўзини-ўзи англашининг психологик хусусиятлари.

Психолог ишининг асосий йўналиши, тамойили ва усули оддий мактабдаги услубларга ўхшайди. Бироқ, мехрибонлик уйидаги муҳитни ҳисобга олганда, у ерда диагностика, коррекция, ривожлантириш ва профилактика фаолиятлари ҳам жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Амалий психологнинг фаолияти бир томондан таълим шароитлари ва болаларнинг тарбиясини, бошқа томондан эса уларнинг психик ривожланиши, шахси ва хулқ-атворининг ўзига ҳослигини ҳисобга олиш керак.

Маълумки, илк ёшиданок мактаб интерат ёки болалар уйида тарбиялана бошлаган болалар оилада тарбия кўрган болаларга нисбатан психологик тарафдан анча фарқ қиладилар: айрим кўрсаткичлар мехрибонлик уйларидаги болалардан айрим кўрсаткичлари бўйича илгарилаб кетсалар, бошқа кўрсаткичлар бўйича эса ўз тенгқурларидан, хаттоки, кичик ёшдаги оилада тарбияланаётган болалардан ҳам орқада қоладилар. Афсуски, бундай ўзига ҳослик бутун мактаб даврида бир маромда давом этади.

Бундай ҳолатлар қуйидагича тавсифга эга, яъни бола мактаб ёшигача бўлган давридаёқ ушбу қирралари юзага келади, бу ортда қолишлар эса мактаб даврида сусайиш ўрнига, янада чуқурлашиб боради.

Ўзини – ўзи англаш, ўзига бўлган муносабат, барча “Мен” аспектларининг ривожлана бошлашини илк қуналириданок мехрибонлик уйларида тарбияланувчиларида у анча ортда қола

бошлайди, лекин у бошқача услубда, бошқа бир шаклда шаклланади. Уларда шу билан бирга суст муносабат, ўзини баҳолаш юзага келади, лекин оилада тарбияланаётган болаларнинг ўзи борасидаги муносабати юқори, ўзини – ўзи баҳолаши баланд бўлади, бу эса ушбу босқичдаги шахс ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлади.

Биз ўтказган “Ўзингни англа методикаси” натижаларига кўра ҳам меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ва оилада вояга етаётган болаларнинг ўзини-ўзи англаганлик соҳасида бир қатор аҳамиятли тафовутлар намоён бўлди. (1,2,3-жадвал, 1,2,3-диаграмма)

Ушбу методиканинг мулоқатчанлик шкаласи бўйича оилада тарбияланаётган синалувчиларда меъёрдан паст кўрсаткич 5% ни, паст 12% ни, меъёр 35% ни, юқори 54% ни ва энг юқори даражада 8% кайд этилди.

Меҳрибонлик уйларида вояга етаётган болаларда эса ушбу шкала бўйича меъёрдан паст даражада 10%, паст 21% ни, меъёр кўрсаткичи 31% ни, юқори 38% ни ва энг юқори даража эса 0% кўринишни намоён қилди. Кўрсаткичлардан маълум бўлиб турибдики, меҳрибонлик уйларидаги синалувчилар мулоқотчанлик шкаласи бўйича оиладаги болаларга нисбатан пастроқ кўрсаткичларга эгалар. Яъни меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларнинг мулоқотдаги шериклари яъни гуруҳ аъзолари кўплигига ва мулоқотнинг узлуксизлигига қарамай, бошқалар билан мулоқотга киришишга, низоларни адекват йўллар билан хал этишга қийналадилар. Уларда мулоқот сон жиҳатдан ортиқ бўлишига қарамасдан, доимо битта гуруҳ аъзолари яъни тенгдошлари билан мулоқотда бўлиш, турли ёшдагилар билан мулоқот ва шахслараро муносабатнинг чекланганлиги оқибатида ўзгалар билан

мулоқот қилиш, тенгхуқуқли мулоқот ўрнатиш, ўзининг шахс хусусиятларини адекват баҳолай олиш, танловчан дўстона муносабатлар ўрнатиш кўникмалари ривожланишдан ортида қолганлигидан далолат беради.

Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича эса меҳрибонлик уйларида вояга етаетган болаларда, мутахассислик тили билан айтганда “мулоқотнинг шахсий-интим жиҳатлари”нинг ривожланмай қолади. Улардаги шахсий-интим мулоқот мактабгача ёш давридаёқ ортида қола бошлайди, уларнинг тенгдошлари билан мулоқоти кўпёқлама эмас ва кам эмоционал бўлиб, асосан оддий мурожат ва буйруқлар билан чекланган. Бундай ортида қолишнинг асосида эса эмпатия, меҳрибонлик, қайғуриш, ўзининг ҳиссий кечинмаларини ўзгалар билан бўлишиш кўникмаси ва эҳтиёжи кабилар мавжуд. Масалан, И.А.Залысина ва Е.О.Смирновалар (23) оилада ва меҳрибонлик уйларидаги болаларнинг диафильмни гуруҳий тарзда кўраётганларидаги хулқ-атворларини таққослаганлар. Натижаларнинг кўрсатишича оилада вояга етаетган болалар диафильм қаҳрамонларига ўзларининг муносабатларини фаол билдирганлар, уларнинг хатти-ҳаракатини баҳолаганлар, ўзлари, дўстлари ва улар билан муносабатлари ҳақида ҳақида маълумот берганлар. Улар диафильмда рўй бераётган воқеаларга нисбатан катталар ва тенгдошларидан ҳам ўхшаш баҳо олишга ҳаракат қилганлар. Улар катталарга “қўрқинчли” дақиқаларда, тенгдошларига эса хурсандчиликларини баҳам кўриш учун мурожаат қилганлар.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилара эса, фильмдаги воқеаларга нисбатан баҳо бермаганлар. Болалар фақатгина катталарнинг эътибори

ва тасдиқлашини кутганлар.Ўз эмоционал ҳолатларини камроқва сустроқ ифодалаганлар,хурсандчиликларини тенгдошлари билан бўлишишга интилиш кузатилмаган.

Оилада тарбияланаётган болаларда эса,турли ёшдаги инсонлар билан мулоқот қилиш, шахслараро муносабатларга киришиш ва зарурий билим, кўникмаларни эгаллаш имконияти кенгроқдир.Масалан,ота-онасидан ташқари буви ва бувалари,кўшнилари,кўчадаги ўртоқлари,синфдошлари, қариндошлари кабилар.Улар ўзларида мулоқотчанлик кўникмаларини шакллантиришларида ва тажриба ортиришларида уларнинг иштирокини аҳамияти каттадир.

Шунинг учун ҳам эмпатия ва қайғуриш,ўз хис- туйғуларини ифодалаш,симпатия кўрсатиш,турли ёшдаги одамлар билан муқотга киришиш кўникмасини шакллантириш психологнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ушбу методиканинг эмоционал турғунлик шкаллари бўйича ҳам экспериментал гуруҳ синалувчилари назорат гуруҳига нисбатан паст кўрсаткичга эга бўлдилар.Меъёрдан паст кўрсаткич бўйича 16%, паст кўрсаткичи 16% ни, меъёрда эса 36% ни ва энг юқори даражада 5% ни ташкил қилди.Назорат гуруҳи синалувчиларида эса ушбу шкала бўйича меъёрдан паст кўрсаткич бўйича 6%, паст кўрсаткичи 11% ни, меъёрда эса 40% ни ва энг юқори даражада 16% ни ташкил этди.

Биз яхши биламизки,эмоционал- иродавий бошқарув соҳанинг ривожланганлик даражаси кичик мактаб ёшида муҳимаҳамият касб этади. Ушбу ёш давридаги болалар мотивларни бўйсиндира олишлари, ўз эмоцияларини бошқаришлари,хатти- ҳаракатлари ва истакларини

атрофдагиларники билан мувофиқлаштира олишлари керак.Бу давр боланинг иродавий хусусиятларига ўзига яраша талабларни қўяди, мотивлар тўқнашуви рўй беради.Энг қийини танлаш вақти, яъни ижтимоий меъёрлар ва импульсив истакларнинг ички кураши жараёнидир.Бола мактабга чиққач эса ўз- ўзидан талаблар ортиб бораверади.Боллага бир тарафдан катталик хисси ёқимли бўлса, бошқа томондан ишончни оқлашга бўлган ҳаракатлар,ёмон ўқувчи деган номдан қўрқиш оқибатида аффеktiv реакциялар, фрустрация кабилар келиб чиқиши мумкин.Бундай ҳолатлар эса бола томонидан вазиятни ноадекват баҳоланиши оқибатида пайдо бўлади.Шунингдек,айниқса меҳрибонлик уйларидаги болалар,фарзанди ўртасида психологик дисстанция ўрнатган,тарбиянинг нотўғри методларидан фойдаланувчи оилаларда болалар эмоционал нотурғун,ўз хис- туйғуларини адекват ҳолатда намоён эта олмайдиган бўлиб ўсадилар.Меҳрибонлик уйларидаги болаларда рад этилганлик хисси,ота- онанинг ғамхўрлигини етишмаслиги натижасида депривация келиб чиқади.Депривациянинг пайдо бўлиши эса боланинг эмоционал бузилишларидан тортиб то психик тараққиётда ортда қолишгачан жараёни қамраб олади.

Бизнинг тадқиқотимизнинг экспериментал гуруҳ синалувчиларида ҳам (айниқса гўдаклидан меҳрибонлик уйида вояга етаётганлар) эмоционал нотурғунлик,арзимас сабаблар билан агрессив реакциялар,кайфиятнинг бирданига ўзгариши,низоли вазиятларда эмоцияларини бошқара олмаслик,жиззакилик,аразлаш кабилар намоён бўлди.Бу борада илмий тадқиқот ишларини олиб борган Боулби ва Гольфратларнинг таъкидлашича,депривация оқибатида шахс бузилишлари,қонунбузарликка мойилик,психопатик “ҳиссиз”характер маъносидаги ўзгаришлар рўй беради.

Оилада тарбияланаётган болаларда эса эмоционал барқарорлик, низоли вазиятларда ўзини бошқара олиш, кайфиятнинг турғунлиги юқори даражада ва тортинчоқлик, хавотирланиш, аразчилик, агрессивлик кабилар пастроқ намоён бўлди.

Методиканинг мустақиллик шкаласи бўйича экспериментал гуруҳ синалувчиларида меъёрдан паст 12% ни, паст даражада 34% ни, меъёрда 37% ни, юқориси 12% ни, энг юқори кўрсаткич эса 5% ни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса меъёрдан паст 5% ни, паст даражада 12% ни, меъёрда 43% ни, юқориси 30% ни, энг юқори кўрсаткич эса 11% дан иборат. Натижалардан кўриниб турибдики, меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларда мустақиллик, мустақил қарор қабул қила олиш, жавобгарлик хисси оилада вояга етаётганларникига нисбатан пастроқ даражада шаклланган.

Яъни меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида ҳимоя реакцияси устунлик қилади, чунки вазиятни бой бериб қўйилса конструктив ечим топишга тўғри келади. Айнан ушбу турдаги хатти – ҳаракатлар шундан далолат берадики, оилада ташқарида ўсган болаларнинг шахси суст, мустақил равишда муаммоларга ечим топа олмайдилар, имкон туғилиши билан мажбуриятларни атрофдагиларнинг елкаларига юклайдилар.

Масалан, тадқиқотларнинг кўрсатишича, меҳрибонлик уйлари битирувчиларида мустақилликка интилиш, қилмишларига жавоб бериш, ўз хати- ҳаракатини мустақил равишда ташкиллаштириш каби хусусиятлар яхши шаклланмаган бўлади, балки қадрият сифатидаинг хатти – ҳаракатларини назорат қилиш учун ташқи муҳит аралашуви кераклиги борасида қарама – қарши иқдорлик намоён бўлади. 7 – синф

тарбияланувчиси шунда деб ёзади: “Мен ҳали катта одам эмасман, менинг фикримча устимдан назорат қилишларига муҳтожман”. Яна бошқасининг фикрича: “Мени уй вазифаларим қандай бажараётганлигимни назорат қилиб туришлари керак, агар назорат қилишмаса мен умуман уй вазифасини бажармайман”.

Албатта буларнинг барига уларнинг турмуш тарзлари турлича эканлиги катта таъсир кўрсатади. Ахир тарбия ва ривожланиш катталар билан доимий мулоқотда бўлиш орқали амалга оширилади. Болаларнинг катталар чекланган гуруҳий тарзда мулоқотда бўлишлари мустақил бўлишга йўл қўймайди: қатъий кун тартиби, катталарнинг доимий талаби, назорати боланинг ўз фаолиятини мустақил режалаштириш, ўз хулқ- атворини назорат қилишни чеклаб, аксинча топшириқларни “ қадам ва қадам ”бажариш одати шаклланади.

Оиладаги болаларнинг рақияси эса турли – туман, уларда кўп ҳолатларда оғир вазиятларга мос ечимни мустақил равишда топишга тўғри келиб қоладиган конструктив реакциялар мавжуд.

Оилада ўсаётган ушбу ёшдаги болаларда бундай таъкидлар учрамайди; бу ерда аксинча, назорат ва кузатувга қарши фикрлар учрайди: “мен ўзим нима яхши ва нима ёмон эканлигини ҳал қилишни ҳоҳлайман. Мени ҳоҳишимга қарши ҳеч ким менга буйруқ бера олмайди ва менинг фикр ва мулоҳазаларимга босим ўтказишларини ҳоҳламайман”.

Оиладаги бола эса бундай талабларга меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларга нисбатан камроқ учрайди. Унинг ҳаётида эмоционал ҳилма – ҳилликлар, турли кишилар билан мулоқотда бўлиш,

турли жойларга ҳоҳлаган вақтида бориш имкониятлари чексиз. Жумладан, оиладага болалар катталарнинг қийин ва турли-туман фаолиятларида биргаликда қатнашиш имкониятига ҳам эгадирлар. Оила аъзолари билан биргаликдаги фаолият жараёнида нафақат алоҳида операцияларни бажаришни ўрганадилар, балки режалаштиришнинг қийин дастурларини, фаолиятни ташкил қилиш, ва назоратни ўзлаштирадилар. Буларнинг барчаси махсус таълим жараёнида эмас, балки бола учун бевосита қизиқ бўлган фаолият турларида мужасамлашган. Бундай шароитда болаларда ўз хулқ-атворини ихтиёрий бошқариш элементлари (режалаштириш, ўзини-ўзи назорат қилиш каби) шаклланади.

“Ўзингни англа” методикасининг ҳисоб-китоблилик шкаласи бўйича экспериментал гуруҳ синалувчиларида қуйидаги натижалар қўлга киритилди: меъёрдан паст кўрсаткич 0%ни, паст даражада 16%ни, меъёрда 16%ни, юқори кўрсаткич 42%ни, энг юқори даражада эса 26%ни ташкил этди. Назорат гуруҳида эса қуйидагича ҳолат намоён бўлди: меъёрдан паст кўрсаткич 0%ни, паст даражада 6%ни, меъёрда 25%ни, юқори кўрсаткич 40%ни ва энг юқори даражада эса 29% кўрсаткичлар қайд этилди. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида ҳисоб-китоблилик, режалилик, олдиндан кўра билиш каби хусусиятлари назорат гуруҳиникига нисбатан пастроқ шакллангандир. Чунки меҳрибонлик уйларида яратилган барча шарт-шароитлар, боланинг барча моддий эҳтиёжларини қондириш имкониятини беради. Шунингдек уларда пул билан муомила қилиш зарурати юқори эмас.

Оилада вояга етаётган болаларда бу жараён бутунлай ўзига хос тарзда кечади. Бола илк ёшлигидан бошлабоқ уй- рўзғор юмушларига жалб қилинади, бозор ва дўконлардан зарур нарса, маҳсулотларни сотиб олишга ўргатиб борилади. Кейинчалик эса бола оиланинг бюджет масалаларини ҳал этиш жараёнида иштирок эта бошлайди. Катталар эса фарзандларига сарф-харажат, рўзғорни юритиш, тежамкорлик, ҳисоб-китоблилик сирларини англатиб, керакли кўникма ва малакаларни ҳосил қиладилар. Бу албатта иқтисодий тарбиянинг асосий жиҳатларидан биридир.

Энди эса ушбу методиканинг сўнгги ўзини- ўзи бошқариш шкаласи натижаларига назар соладиган бўлсак қуйидаги кўрсаткичлар намоён бўлди. Экспериментал гуруҳ синалувчиларида меъёрдан паст даражада 0%, паст даражада 21%, меъёрда 25%, юқори кўрсаткич 27%ни ва энг юқори даражада эса 17% кўрсаткичлар аниқланди. Назорат гуруҳи синалувчиларида эса меъёрдан паст даражада 0%, паст даражада 7%, меъёрда 30%, юқори кўрсаткич 33% ва энг юқори даражада эса 30% кўрсаткичлар қайд қилинди.

Кичик мактаб ёши даври боланинг психологик кўринишининг аҳамиятли ўзгариши билан боғлиқдир. Ушбу ўзгаришларнинг муҳим дақиқаларидан бири бевосита хулқ- атвордан воситаликка, анланган ва ихтиёрий ўзини- ўзи бошқаришга ўтишдир. Бола ўзини- ўзи фаол бошқаришга, ўз фаолиятини қўйилган мақсадга мувофиқ ташкил қилишга, анланган қарорларни қабул қилишга ўрганади. Бу мотивацион- эҳтиёж соҳасининг янги ташкилий даражасини пайдо бўлганлигидан далолат беради ва шахс тараққиётининг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади. Экспериментал гуруҳ синалувчиларида

эса бу соҳанинг ривожланишини ортда қолганлиги сабали ҳам уларда ўз хулқ- атворини, эмоционал ҳолатини бошқариш,ўзининг фаолиятини онгли равишда ташкил қилиш ва бошқариш даражаси пастроқдир. Улар ўз олдлари мақсад қўйишга ва режа тузишга қийналадилар. Болалар кўпроқ катталар томонидан кўрсатма ва йўл- йўриқлар берилишини кутадилар. Синалувчиларни кузатишларимиз ва уларнинг табиячилари, педаголар суҳбатларининг натижасига кўра ҳам турли вазиятларда ўз хулқ- атворини мослаштириш, эмоционал ҳолатини бошқаришдаги қийнчиликлар намоён бўлди. Бундай ҳолатлар боланинг ўзини- ўзи англашдаги камчиликлар, доимо намунали бола бўлиш истаги, барчага ёқишга интилиш, меҳр учун рақобат оқибатида (айниқса тарбиячилари ва ўқитувчиларига) келиб чиққадиган руҳий зўриқишлар натижаси ҳам бўлиши мумкин. Психологик зўриқиш пайитида эса ўз- ўзидан маълумки (айниқса ўзига ҳаддан зиёд талаблар қўйиш оқибатида) шахснинг ўзини- ўзи онгли бошқариши, хис- туйғуларини жиловлай олиши қийнлашади.

Оиласи, ота- оналари ва яқинлари бағрида ўсаётган болаларда эса бу жиҳатдан муаммо анча камроқ десак ҳам бўлаверади. Оиладигиларнинг меҳр –муҳаббати, эътибори, болани ҳамиша қўллаб- қуватлашлари, кераклик хисси уларнинг эмоционал турғун,ўз хулқ- атворларини, фаолиятларини мустақил онгли бошқара олишларига, хато қилишдан қўрмаслигига ва мақсад қўя олишларида асос бўлиб хизмат қилади.

Мустақилликка интилиш иккала шароитда тарбияланаётган болаларга хос бўлсада лекин меҳрибонлик уйи болаларни катталар васийлигига кўпроқ эҳтиёж сезадилар. Оила шароитида тарбияланувчи

болалар эса бўш вақтларини ўзлари мустақил, самарали ташкил қила олишади.

Ўтказилган тадқиқотлардан шу маълумки бўлдики, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мустақил ҳаёт, келажакка ишонч ҳисси кам. Улар узоқни кўра олишга қийналадилар.

Кейинчалик мустақил ҳаётга қадам қўйиб, агар оила қурсалар, бу оилада зиддиятли муаммалар бўлиши кузатилади. Ажралишлар кўп бўлади, бунинг оқибатида тирик етимлар сони кўпаймоқда. Меҳрибонлик уйида тарбияланиб кетган, кўп аёллар ўз фарзандларини шу жойга олиб келиб ташлаётганларини статистик маълумотлардан кўриш мумкин.

Кичик мактаб ёши даврида мустақилликнинг пойдевори юзага келиб, ўқув вазифаларини мустақил бажариш, фаолиятни онгли ташкил қилиш, режалаштириш лаёқати юзага келади. Ушбу ёш даврида бошқарилишдан ўзини-ўзи бошқаришга ўтиш муҳим саналади.

Мустақиллик ва ўзини-ўзи бошқаришни ривожлантириш икки асосий йўналишида амалга оширилади.

1. Мустақилликнинг шахс хислати сифатида вужудга келиши ижимоий муҳитга боғлиқ. Бу боғлиқлик мустақилликка бўлган эҳтиёжни қондириш имкониятлари соҳасида ва қадриятлар ифодаланган мустақиллик мазмуни характерида намоён бўлади.

2. Мустақилликни шахс хислати сифатида шаклланишида индивидуал хусусиятлар, шахс яшайдиган ва меҳнат қиладиган жамоада вужудга келган муносабатларга ҳамда шахснинг қобилиятларига, унинг фаоллигига боғлиқ бўлади. (10)

Кичик мактаб ёшидаги болаларда ўзини- ўзи бошқариш, мустақилликни шаклланиши асосан унинг атрофидаги каталарга боғлиқдир. Агар бола ҳаддан зиёд ишонувчан, итоаткор, очик хусусиятли бўлса, унда аста – секинлик билан бўйсунувчанлик, итоаткорлик, тобелик, мустақил ҳаракат қилишда икиланувчанлик каби хусусиятлар мустаҳкамлана бошлайди. Бироқ болани ҳаддан зиёд мустақиллика ундаш, унда баъзи салбий хусусиятларни шаклланишига олиб келиши мумкин, чунки бола ҳаётий тажрибаларини кимларгадир тақлид қилган ҳолда ўзлаштиради. Ўзини- ўзи мустақил бошқаришни шакллантириш учун болага мустақил бажарадиган ишларни кўпроқ топшириш ва ишонч билдириш, ютуқларини алоҳида таъкидлаб рағбатлантириб бориш зарурдир. Шунингдек, шундай бир ижтимоий психологик муҳит яратиш керакки, унда болага бирон бир маъсул вазифани мустақил бажаришни топшириш, бу ишни бажариш жараёнида бола ўзини тенгдошлари, катта одамлар ва бошқаларнинг лидери деб ҳис қилсин. Ана шу ҳис болада мустақил бўлишга ундовчи мотивларни юзага келтиради.

Жумладан, юқорида келтириб ўтилган соҳалар ва хусусиятларни ортда қолишини олдини олиш, нуқсонларини коррекция қилиб, ижобийларини мақсадга ва боланинг ёшига мувофиқ шакллантириш психолог, педагог ва табиачиларнинг муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи лозим. Чунки ҳар бир нуқсон ва ҳар бир соҳадаги ортда қолиш бошқа янада оғирроқ бузилишларни келтириб чиқаради. Буларнинг барчаси бутун бузилишлар мажмуи сифатида боланинг келажагига, ижтимоийлашувига, психик саломатлигига таҳдид солиши мумкин.

Шундай қилиб, кичик мактаб ёши даврида болада “ нафақат катталар томонидан қўйилган мақсадларни бошқариш, балки ўзи ҳам шу турдаги мақсадларни қўя олиш ва уларга мувофиқ ўзининг хулқ-атвори ва фаолиятини мустақил назорат қилиш кўникмаси ” (20) шаклланади. Айнан шундай кўникма ўзини-ўзи ихтиёрий бошқаришни ривожланишининг асоси ҳисобланади.


Оилада тарбияланаётган кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўзини-ўзи англаш даражаси (“3 баҳо” методикаси натижалари бўйича)

1-жадвал

Даражалар хусусиятлар	Меъёр	Паст	Меъёр	Юқори	Энг юқори
Мулоқатчанлик	5%	12%	35%	54%	8%
Эмоционал турғунлик	6%	11%	40%	27%	16%
Мустақиллик	5%	12%	43%	30%	11%
Ҳисоб-китобли	0%	6%	25%	40%	29%
Ўзини-ўзи бошқариш	0%	7%	30%	33%	30%

Оилада тарбияланаётган кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини англаш динамикаси (“3 баҳо” методикаси натижалари бўйича)

1- диграмма




**Меҳрибонлик уйи шароитида тарбияланаётган кичик мактаб
ёшидаги ўқувчиларнинг ўзини-ўзи англаш кўрсаткичлари
("3 баҳо" методикаси натижалари бўйича)**

2-жадвал

Даражалар хусусиятлар	Меъёр	Паст	Меъёр	Юқори	Энг юқори
Мулоқатчанлик	10%	21%	31%	38%	0%
Эмоционал турғунлик	16%	16%	36%	27%	5%
Мустақиллик	12%	34%	37%	12%	5%
Ҳисоб-китобли	0%	16%	16%	42%	26%
Ўзини-ўзи бошқариш	0%	21%	25%	27%	17%

**Меҳрибонлик уйи шароитида тарбияланаётган кичик мактаб
ёшидаги ўқувчиларнинг ўзини-ўзи англаш динамикаси ("3 баҳо"
методикаси натижалари бўйича)**

2-диграмма




**Экспериментал ва назорат гуруҳи синалувчиларида ўзини-ўзи
англашнинг қиёсий даражалари (“3 баҳо” методикаси натижалари
бўйича)**

3-жадвал

	Меъёрдан паст	Паст	Меъёр	Юқори	Энг юқори
Оилада тарбияланаётганлар	16%	48%	173%	184%	94%
Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари	38%	108%	145%	146%	53%

**Экспериментал ва назорат гуруҳи синалувчиларда ўзини-ўзи
англаш динамикаси (“3 баҳо” методикаси натижалари бўйича)**

3-диаграмма



2.3. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўзини-ўзи баҳолаш динамикаси

Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчи учун нафақат билиш жараёнларининг юқори даражада ривожланиши, балки шахсий хусусиятларини ривожлантириш учун ҳам имконият яратади. Етакчи бўлган ўқув фаолиятидан ташқари бошқа фаолиятлар ўйин, меҳнат, ва мулоқот фаолияти ҳам ўқувчи шахси ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Бу фаолиятлар асосида муваффақиятга эришиш мотивлари боғлиқ бўлган шахсий хусусиятлар таркиб топа бошлайди. Ўқув фаолияти ушбу ёшдаги болаларда ўқишда маълум ютуқларга эришиш эҳтиёжини қондиришга, тенгдошлари орасида ўз мавқега эга бўлишига имконият яратади. Айнан шу ўрин ёки мавқега эга бўлиш учун ҳам бола яхши ўқишга ҳаракат қилиши мумкин. Бу ёшдаги болалар доимий равишда ўзлари эришган муваффақиятни юшқатенгдошларининг ютуқлари билан солиштирадilar. Улар учун биринчи бўлиш ниҳоятда муҳимдир.

Кичик мактаб ёши давридаги болаларда мусобақага киришиш мотиви табиий психологик эҳтиёж ҳисобланиб, бу мотив уларга кучли эмоционал зўриқишни беради. Ушбу ёш давридаги болалар катталарнинг улар ҳақидаги берган фикр ва баҳоларига қараб, ўзларига-ўзлари баҳо берадилар. Шунингдек ўқувчининг ўзига-ўзи берадиган баҳоси, турли фаолиятдаги муваффақиятларига ва уларни катталар, ўқитувчилар томонидан эътироф этилиши, шунингдек раҳбатлантириб борилишига ҳам боғлиқ. Боланинг ютуқларини ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ таъкидлаб борилиши, камчиликларни эса боланинг

шахсиятига тегмаган ҳолда кўрсатиш, тўғрилаш имконини бериш болада ўзига ва ўзининг қобилиятларига нисбатан ишонч пайдо қилади.

Бола секин-аста дадиллик билан ўзини турли фаолиятларда синаб кўра бошлайди, ўзидаги яширин қобилиятларни очилишига интилиб боради. Боланинг лаёқати, қобилиятлари, интишиларига ишонч билдириш орқали болада ўзини- ўзи англаш, ўзига- ўзи адекват баҳо бериш хусусиятлари шаклланиб боради. Бу соҳанинг мустаҳкамлиги бола муваффақиятсизликка учраган вақтларда уни тушкунликдан, депрессив ва фрустрацион ҳолатлардан, ортга чекинишдан асрайди, муваффақиятга интилиш мотивини кучайтиради.

Ўзига- ўзи баҳо бериш- шахснинг ўзи томонидан ўзига, ўз имкониятларига, бошқа одамлар орасидаги фазилатларига ва ўрнига баҳо берилишидир. Шахс ўзига – ўзи баҳо бериш орқали ўзининг хулқ-атворини тўғирлаб тартибга солиб боради. У шахснинг ядросига таалукли бўлиб, хулқ-атвори муҳим бошқарувчисидир. Одамнинг атрофдагилар билан ўзаро муносабатлари, унинг танқийдилиги, ўзига талабчанлиги, муваффақият ва муваффақиятсизликка муносабати унинг ўзига- ўзи берадиган баҳосига боғлиқдир. Шу билан у шахснинг фаолияти самарадорлигига ва шахснинг кейинги тараққиётига таъсир этади.

Ўзига- ўзи баҳо бериш тизимининг функциялари қуйидагилардан иборат:

1) бошқарув – унинг асосида шахсий танлов масаласининг ечими рўй беради;

2) ҳимоя – шахснинг тегишли равишдаги турғунлигини ва мустақиллигини таъминловчи.

Бизнинг битирув малакавий ишимизда ўқувчиларнинг ўзига- ўзи берадиган баҳоси даражаларини аниқлашда қўлланилган Дембо-Рубинштейннинг “ Ўзини- ўзи баҳолаш ” методикаси натижалари асосида қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилди. Методиканинг саломатлик шкаласи бўйича меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болаларда паст кўрсаткич 24% ни, ўртачаси 65 % ни ва юқори кўрсаткич бўйича 11 % ни ташкил этди. Ушбу гуруҳ синалувчиларидан олинган натижаларни таҳлил қиладиган бўлсак, болаларда ўзининг сихат- саломатлигига назорат гуруҳига нисбатан паст баҳо берганлар . Яъни,уларнинг аксарияти жисмонан соғлом бўлишларига қарамасдан,ўзларига нисбатан паст баҳо беришлари оқибатида ўзларининг салолматлигига ҳам шубҳа билан қарайдилар.Бироқ, уларнинг саломатликлари доимий назорат остидадир.Лекин, улардаги депривациянинг сабабли меҳр-муҳаббатга, доимий эътиборга бўлган эҳтиёж қондирилмаган.Шунингдек, биз яхши биламизки соғлиғидан доимий хавотирланиш оқибатида ва яқин кишиларининг эътибори ҳамда меҳрининг етишмаслигидан ҳам шахсда турли хил психосоматик касалликлар келиб чиқиши мумкин.

Методиканинг ақлий тараққиёт шкаласи бўйича ушбу гуруҳ синалувчиларида паст кўрсаткич 31% ни, ўртачаси 60 % ни ва юқори кўрсаткич бўйича 9 % ни ташкил этди. Экспериментал гуруҳдаги болаларнинг ақлий ривожланиш даражаси меъёردа бўлишига қарамасдан, улар ўзларининг ақлий имкониятларини паст баҳолаганлар.

Психологик экспериментларининг бирида меҳрибонлик уйлари ва оилада тарбияланувчи болалардан энг эзгу орзулари ҳақида сўралганда, биринчи гуруҳдагилар орзулари доимо яхши баҳоларга ўқиш ва ўзини ҳамиша яхши тутишни, намунали хулқга эга бўлишини ишташган. Оилада вояга етётган болаларда бундай жавоблар камдан-кам қайд этилиб улар асосан дунёда ҳеч қандай уруш бўлмаслигини, барча болаларнинг ота-онаси бўлишини ва улар саломат бўлишларини, қушларнинг очликдан ва совуқдан ўлмаслигини ишташларини билдирганлар. Жумладан, уларнинг ўз ақлий қобилиятларини паст баҳолашлари, ишончсизлик оқибатида кейинчалик касб танлашга қийналадилар, орзуларидан воз кечишга мажбур бўладилар. Масалан, меҳрибонлик уйининг тарбияланувчиси бўлган ўсмир яхши баҳоларга ўқишига қарамасдан шундай деб ёзади: “Мен шифокор бўлишни истар эдим, лекин бунга қобилиятим бўлмаса керак, шунинг учун ҳам бошқа касбни танлашга мажбурман”. Дарҳақиқат, шахснинг ўзига бўлган ишончининг пастлиги ўз имкониятлари ва қобилиятларини ноадекват баҳолашига олиб келади ва бу ўз навбатида келажагига салбий таъсир қилиб, қанчадан-қанча ноёб истеъдодларнинг очилмай қолишига олиб келиши мумкин.

Кейинги характер шкаласи юзасидан эса экспериментал гуруҳ иштирокчилари паст кўрсаткич бўйича 22% , ўртачаси 63 % ни ва юқори кўрсаткич бўйича 15 % натижаларни намоён этдилар. Экспериментал гуруҳ синалувчиларида ушбу шкала бўйича ҳам назорат гуруҳиникига нисбатан паст кўрсаткичлар қайд этилди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларидан ўзлари ҳақида сўраганимизда ҳам, улар энг аввалло ахлоқий хусусиятларининг салбий

жиҳатлари ҳақида кўпроқ гапиришларини ва урғу беришларини гувоҳи бўлдик . Масалан: “дангаса”, “ёлғончи”, “кўпол”, “қулоқсиз “ ва шу кабилар. Болаларнинг ўзларига нисбатан муносабатларини психологик таҳлил қилинганда уларга ўзлари ҳақидаги фикрлари ва атрофдагиларнинг улар тўғрисидаги фикрлари сўралганда улар бири-бирдан кам фарқ қилади. Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, оилада тарбияланаётган болалар ўзларини қизиқишлари, ҳаёт тўғрисидаги фикрлари, қадриятларини ёзганлар.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари эса қандай бўлишса, ўзларини шундай таърифлаб берганлар. Ушбу тавсифларда фарқи шундан иборатки, оиладги болалар ўзларини ижобий таърифлаб, атрофдагилар ҳам уларнинг яхши сифатларини кўрадилар деган фикрни билдирганлар. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида эса бу вазият аксинча, бутунлай бошқача тус олган. Яъни, ўзлари борасидаги фикрлари ва рефлексив автопортрет эса ундан ҳам салбийроқ кўринишга эга. Масалан, 8 – синф ўқувчиси ўзга қуйидагича таъриф келтирган :“озгина эгоизм мавжуд (бу ҳар бир кишида бор хусусият). Лекин дўстимни қўллашим, унга ёрдам беришим мумкин..” Рефлексив автопортретда эса: “Мутлақо эгоист... атрофдагиларга кўп нарса беришим мумкин, лекин бу уларга керак эмас. Жамоа томонидан талаб қилинмаган ишларни бажаришим мумкин”,кабиларни таъкидлаган. Яъни меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг учала кўрсаткич бўйича ўзига- ўзи паст баҳо бериши улардаги ички низолардан, ички интилишларига мувофиқ келмаслигидан, ўзининг ижобий хисслатларини тўлиқ англаб етмаганлигидан, ўзидан қониқмаслик хиссини юқорилигидан далолат беради.

Албатта, ушбу гуруҳ синалувчиларининг ўзларини салбий хусусиятларини бўртириб кўрсатишлари, ижобий хислатларига кам эътибор қаратишлари ўзларига нисбатан паст баҳо беришлари ҳамда ҳаддан зиёд юқори талабларни қўйишларидан ҳам далолат беради. Шунингдек, уларда ўзини қандай бўлса шундайлигича қабул қилиш хусусияти яхши ривожланмаган. Улар доимо ўзларининг намунали хулқ- атворлари, фанларни яхши ўзлаштиришлари ва итоаткорликлари билан катталарнинг эътиборида бўлишни истайдилар.

Оилада тарбияланаётган болаларда эса “Ўзини- ўзи баҳолаш” методикаси натижаларига кўра қуйидаги кўрсаткилар аниқланди. Методиканинг саломатлик шкаласи бўйича оилада тарбияланувчи болаларда паст кўрсаткич 6% ни, ўртачаси 76 % ни ва юқори кўрсаткич бўйича 18 % ни ташкил этди. Натижаларни психологик таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу гуруҳ синалувчиларида ўзларининг саломатликларига нисбатан адекват баҳо бера олиш хусусияти шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Чунки улар ота- оналарининг доимий эътиборида, керак эканликларини ва уларни яхши кўришларини ҳис этган ҳолда вояга етмоқдалар. Меҳр ва эътиборга бўлган эҳтиёжларнинг тўлиқ қопланиши, доимий қўллаб қувватлаш, оқибатида уларда ўзларига нисбатан ишонч, тўла- тўқислик ҳисси, шунингдек ижобий ва адекват баҳо бериш кўникмаси шаклланган. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига нисбатан уларда ўзларини қандай бўлсалар шундайликларича қабул қилиш, куўпроқ ижобий қирраларини кўра олиш устунлик қилади. Яъни ота- оналарнинг ўзлари фарзандларини камчиликларига қарамасдан сўзсиз қабул қиладилар ва фахрланадилар.

Методиканинг иккинчи ақл шкаласи бўйича қуйидаги натижалар аниқланди. Болаларда паст кўрсаткич 18% ни, ўртачаси 52 % ни ва юқори кўрсаткич бўйича 30 % ни ташкил этди. Натижаларни психологик таҳлиliga назар соладиган бўлсак, ушбу гуруҳ синалувчиларида ўзларининг ақлий тараққиёт даражаларига адекват баҳо берганликларини гувоҳи бўламиз. Яъни уларда ўз ақлий имкониятларига бўлган ишонч, талабгорлик даражаси, интилишларининг хусусиятларига ва ақлий тараққиёти даражалари бир-бирига тўлиқ мувофиқ келади.

Ота-оналарнинг ҳар вақт фарзандларини ютуқларини таъкидлаб, муваффақиятсизликларида кўнгилларини кўтариб, руҳий мадад бериб туришлари, уни яхши кўришларини кўрсатишлари ва ишонч билдиришлари болада ўзининг қобилиятларига нисбатан ишонч пайдо қилиб, уларнинг ақлий тараққиётини юксалишида, янада фаол бўлишлари ва мақсад сари интилишларида аҳамиятли рол ўйнайди.

“Ўзини- ўзи баҳолаш” методикасининг учинчи характер шкаласи натижаларига мувофиқ 13% паст кўрсаткич, ўртачаси 60% ни, юқори даражани эса 27% кўрсаткичларни қайд этдилар. Оиладги болаларда ўзига бўлган муносабат мураккаб тузилишга эга. Ушбу тузилишнинг унсурлари қуйидаги психологик тартибларни ўз ичига олади; ўзини қабул қилиш ёки қабул қилмаслик, умумий баҳолаш, оператив, прогностик баҳолар. Ушбу унсурлар мураккаб ўзаро муносабатга эга. Масалан; бола ўзининг харкатерини, муваффақиятини у ёки бу даражада паст баҳолаши мумкин, лекин у ўзини барибир яхши кўраверади. Ушбу мураккаб тизимнинг юзага келиши М.И Лисинанинг фикрича (27) боланинг ота – оналар томонидан кўрсатилаган икки ҳил

муносабатини сингдириб олганлиги натижаси ҳисобланади, бу отогенезнинг илк кунлариданоқ бошланади: ота – оналар болаларини уни камчиликлари ва хусусиятлари билан бирга яхши кўрадилар, бошқа томондан эса улар болани маълум вазиятда қандай йўл тутиши кераклигини объектив баҳолайдилар – яхши ёки ёмон. Илк кунларданок оиладан ташқарида ўсувчи болалар бундай муносабатларни биринчи туридан маҳрум бўладилар – бу шартсиз мухаббат, илиқлик етишмайди. Шунинг учун ҳам бундай болалар ўзига нисбатан бир маромдаги муносабатда бўладилар.

Ўзига бўлган муносабат турли қирралардан таҳлил қилинган бўлиши мумкин. Икки жиҳатни кўриб чиқайлик – муносабатларнинг юқори эмоционал ёки баҳолаш томони ва уларнинг мураккаб ёки осонлиги. Чунки айнан шу ўлчамлар бўйича оилада ва меҳрибонлик уйларида ўсувчи болалар максимал даражада ўзаро фарқ қиладилар.

Оилада тарбияланувчи болада ўзига нисбатан эмоционал муносабат кучлироқ бўлади ва у одатда ижобий кўринишга эга. Бу болалар атрофдагиларнинг фикридан қатъий назар ўзларини яхши кўраверадилар. Меҳрибонлик уйларидаги болалар эса ўзларига атрофдагиларнинг назари билан баҳо берадилар, ўзларига нисбатан эмоционал муносабат яхши шаклланмаган. Болаларнинг “Мен” и бир – биридан жуда катта фарқ қилади.

Оилада ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида хатти ҳаракатидаги қайси хулқ – атворлари улар учун муҳимроқ эканлиги аниқланганда, оиладаги болалар учун ўзининг шахсий хатти – ҳаракатларини ахлоқий ҳаракатларга салбий қаршилик кўрсатиш бўлиб чиқди, улар катталарнинг талабларидан ўзларини хоҳишларини афзал

кўрадилар. (“тартиб – интизомни ёқтирмайман. Шунинг учун эрталаб мактабга боргим келмайди, унинг устига дарс қолдирганимда ўзимни айибдор ҳис қилмайман, чунк мен ўзим ҳоҳлаган ишни қилаяпман”).

Оиладаги болаларда ушбу сифатлар кузатилади, улардаги ижобий фазилатлар салбийларини босиб ўтади: “меҳрибон”, “меҳнатсевар”, “дўстлашишни биламан”. Уларнинг салбий тавсифлари ҳам эмоционал эркинлик борасида кечади: “ўзимни тутиб тура оламан”, “кўп гапирадиган”, “ўзини иродаси сустлиги” борасида айтиб ўтадилар. Демак, оилада тарбияланаётган болаларда ўзининг характер хислатларига нисбатан адекват баҳо бериш кузатилди. Яъни ушбу баҳо уларнинг ҳақиқий характер сифатларига, хулқ- атворларига нисбатан қўйилган баҳо билан тўлиқ мувофиқ келади.

Психологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари эса турли вазиятларга тез мослашиб кетишларин кадрлайдилар. (“Мен ўзимни қандай кўрсатишни яхши биламан”). Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, агар оилада ўсган болалар учун ўзини “Мен” нини таъкидлаш, катталарнинг ахлоқ – одоб, вазиятнинг талабларига қарши чиқишда намоён бўлса, меҳрибонлик уйида тарбияланувчиларда эса вазиятга мослашиб кетиш ҳаракати орқали ўзининг “Мен” и образини намоён этади.

Ўз-ўзига баҳо беришда оилада тарбиялаётган бола ўзини эмоционал, ҳиссий томонларига эътибор қаратса, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари эса ахлоқий томонларига эътиборни қаратади, чунки улар тартиб ва қоидаларга асосланиб яшашади. Боланинг дўсти бўлиши ўзини-ўзи баҳолашда, ўз кадриятларини тушуниб олишда муҳим роль ўйнайди. Буларнинг барчаси ўзгаларнинг ва ўзининг

шахсий ҳислатларига эътиборни кучайтиради. Бу дўстликнинг асосини ташкил этади. Оилада тарбияланаётган бола дўст танлашда танлаш имкониятига эга.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг мулоқот қиладиган кишиларнинг доираси тор бўлганлигидан бола танлаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун ҳам у атрофдагиларга мослашиб яшашга мажбур бўлади. У мулоқот тарзини, муҳитини ўз ҳолича ўзгартира олмайди.


Ўз қизиқишларини тўла ишга сола ололмаслик, имкониятларини чеклаганлиги шахс сифатида ўз-ўзини англашда тўсиқлик қилади.

Кенг маънодаги депривацион муҳит болаларнинг ижтимоийлашиб боришга, ўз ўзини англаб, жамиятда ўз ўзини топишга турли даражада таъсир қилади. Катталар, тенгдошлари, ўзларидан кичиклар билан мулоқотнинг турли хилларида муносабатга киришиб шахслараро муносабатга кириш хусусиятлари, жамиятда мавжуд талаб ва қоидаларга риоя қилиш, ҳаётга мослашишга ўз ўрнини топиш сирлари билан шу масканда танишадилар. Улар ҳақида қайғурадиган инсонлар-тарбияланувчилар, энагалар, ўқитувчилар ва муассаса раҳбарияти уларни ҳаётга қўлларида келганча тайёрлайдилар. (Натижалар 4,5,6,7,8 жадваллар ва 4,5,6 диаграммаларда ифодаланган).

**Оилада тарбияланаётган кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг
ўзини-ўзи баҳолаш даражаси (Ўз-ўзини баҳолаш методикаси
натижалари бўйича)**

	саломатлик	ақлий тараққиёт	характер
паст	6%	18%	13%
ўрта	76%	52%	60%
юқори	18%	30%	27%


**Оилада тарбияланаётган кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг
ўзини-ўзи баҳолаш динамикаси (Ўз-ўзини баҳолаш методикаси
натижалари бўйича)**



**Меҳрибонлик уйи шароитида тарбияланаётган кичик мактаб
ёшидаги ўқувчиларнинг ўзини-ўзи баҳолаш даражаси (Ўз-ўзини
баҳолаш методикаси натижалари бўйича)**

	саломатлик	ақлий тараққиёт	характер
паст	24%	31%	22%
ўрта	65%	60%	63%
юқори	11%	9%	15%

**Меҳрибонлик уйи шароитида тарбияланаётган кичик мактаб
ёшидаги ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш динамикаси(Ўз-ўзини
баҳолаш методикаси натижалари бўйича)**




Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўз-ўзига баҳо беришнинг қиёсий даражаси (% ҳисобида) (Ўз-ўзини баҳолаш методикаси натижалари бўйича)

	Паст	Ўрта	Юқори
Оилада тарбияланаётганлар	11	64	25
Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари	25	63	12

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўз-ўзига баҳо бериш динамикаси(Ўз-ўзини баҳолаш методикаси натижалари бўйича)

(% ҳисобида)



Ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзига баҳо бериш даражаси бўйича оилада ва меҳрибонлик уйларида тарбияланувчилар натижалари ўртасидаги тафовут (Стъюдент мезони асосида)

	Фарқ кўрсаткичи
Ўз-ўзини англаш даражаси	2,106*
Ўз-ўзига баҳо бериш даражаси	2,095*

Изоҳ: * $t=0,05$

2 Боб бўйича хулосалар.

Ўтказилган экспериментал тадқиқот натижаларини психолгик тахлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди.

1.”Ўзингни англа методикаси натижаларига мувофиқ иккала гуруҳ синалувчиларининг ўзини- ўзи англаш тизимида аҳамиятли фарқлар аниқланди. Меҳрибонлик уйлари болаларида мулоқот кўникмаларининг пастлиги, эмоционал нотурғунлик, мустақилликнинг сустлиги ва ўзини- ўзи бошқариш соҳасида камчиликлар аниқланди.

2. “Ўзини- ўзи баҳолаш ” методикаси натижаларига кўра ҳам меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларида “саломатлик”, “ ақлий тараққиёт” ва “ характер” шкалалари бўйича назорат гуруҳиникига нисбатан паст натижалар намоён бўлади.

3. Олинган ушбу натижалар ассосида меҳрибонлик уйлари болаларида ўзига, ўзининг характер хислатларига, ақлий тараққиёт даражаларига берган баҳоси интилувчанлигига ва атрофдагиларникига нисбатан пастдир. Улардаги депривация оқибатида, яъни она- оналарнинг ва яқинларинг меҳр ва эътиборига бўлган эҳтиёжларининг қондирилмаганлиги оқибатида ўзига ва ўз қобилиятлари, имкониятларига бўлган ишончи пастдир.

ХУЛОСА

Аввало, юртимизда ёш авлодга, хусусан меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болаларга кўрсатилган ғамхўрликлар, эътиборни таъкидлаш лозим. Ёш авлодга меҳр-мурувват кўрсатиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Ҳурматли Президентимиз ёш авлодга юксак ишонч билдириб жумладан шундай дейдилар: “Менинг энг катта умидим ва ишончим сиз азиз фарзандларимда, сизнинг тимсолингизда бугун қувватга, тўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмайман, деб, замонавий билим ва тажрибаларни эгаллашга бел боғлаган, тобора ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга кириб келаётган ёш авлодда десанг, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай авлодни ҳеч қачон енгиб бўлмайди”¹. [1] Маълумки, инсон ҳаётининг қай йўналишида кечиши кўп жиҳатдан бошланғич синфларда олиб борилган таълим тарбиянинг самарадорлигига боғлиқ.

Мазкур битирув-малакавий ишимиз юзасидан олиб борилган тадқиқотларимиздан олинган натижалар қуйидаги хулосалар чиқаришга асос бўла олади.

1. Мулоқот кўникмаларининг паст даражаси, эмоционал нотурғунлик, мустақил фаолият юритиш ва режалар тузиш, ўзини- ўзи онгли бошқариш меҳрибонлик уйида тарбияланаётган кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларнинг катта қисмида кузатилади.

2. Уларда катталарнинг кўрсатмаларига қатий амал қилиш, мустақил қарор қабул қила олмаслик, ҳар томонлама намунали бола

¹ И.Каримов “Бизнинг эзгу мақсадларимиз –тараққий топган” давлатлар аторига киришидан иборат. Т. "Ўзбекистон" 2010 йил. 9-б.

бўлишга интилиш кучли. 3.Меҳрибонлик уйи шароитида тарбияланаётган ўқувчиларда ўзининг қобилиятлари ва ақлий тараққиёти даражаларига нисбатан баҳолари назорат гуруҳиникига нисбатан паст.

4. Ўзига –ўзи баҳо бериш борасида оилада тарбияланаётган болалар ўз имкониятларини тўғри баҳолай оладилар. Бунинг сабаби ота-оналарининг ҳамиша қўллаб – қувватлаши, болани борлигича қабул қилиш.

5. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда дўстлашишга бўлган интилишлар анча кучли намоён бўлади.

6. Меҳрибонлик уйида тарбия олаётган болаларнинг кўпчилигида атроф-оламдаги муҳитдан хавфсираш, кераксизлик хисси, ишончсизлик, келажагини тасаввур қила олмаслик даражаси юқори эканлиги кузатилди.

ТАВСИЯЛАР

1.Меҳрибонлик уйларида фаолият кўрсатаётган педагоглар ўқувчиларнинг руҳий ҳолатлари, хусусиятларини чуқур билишларига эришиш лозим.

2.Болаларда эмоционал- иродавий бошқарувни, мустақилликни, мулоқот кўникмаларини, эмпатияни ривожлантиришга доир психологик чора- тадбирларни амалга ошириш.

3.Ҳар иккала турдаги ўқувчилар билан таълим-тарбия жараёнида ўзини-ўзи англашга, ўз билим ва имкониятларига ишончини ошириш орқали ўзига берадиган баҳони адекват даражага етказишга доир коррекцион машғулотлар, психологик тренингларни тез-тез ўтказиб туришга эътибор қаратиш зарур.

4.Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолияти жараёнида боладаги ҳар қандай ютуқларни таъкидлаб кўрсатиш ва рағбатлантириб бориш, ўзидаги хулқ-атворини ва ўзи томонидан мувофиқлаштириш қобилиятини ривожлантиришга, ўз фаолиятини уюштиришга эришиш самарали натижалар беради. Ўқувчиларнинг ўзини-ўзи англаш хусусиятлари янада ривожланиб боради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. Маънавият 2008. 130 – б. [1].
2. Каримов И.А. Бизнинг эзгу мақсадимиз- тараққий топган давлатлар қаторига киришдан иборат. Тошкент. Ўзбекистон 2010. 9-б.[].
3. Каримов И.А. Асосий вазифаларимиз –Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир.Тошкент. Ўзбекистон 2010.
4. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. Тошкент 2003.
5. “Таълим тўғрисида” ги қонун. Тошкент. 1997.
6. Меҳрибонлик уйлари тўғрисидаги Низом. Маърифат.1995. 20-сон.
7. Абдураззоқов Ҳ. Шахс “мен”и фаоллигининг омиллари. “Мактаб ва ҳаёт” журнали. 2008. 1-сон, 12-б. [2]/.
8. Давлетшин М.Г. ва бошқа. Ёш ва педагогик психология.Тошкент 2004 [4].
9. Давлетшин М.Г. Таълимнинг психологик асослари.Тошкент. 1990.
10. Давлетшин М.Г.,Ш Дўсмухаммедова ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик психология. Ўқув қўлланма.Тошкент- 2009.
11. Зуфарова М, Шобекова М, Исаханова М. Ёш ва педагогик психология. Қўқон. 2003. 39 –б. [3].
12. Нишонова З.Т. Болалар психодиагностикаси. Тошкент ТДПУ. 1998.
13. Ғозиев Э.Г. Психология. Тошкент. Ўқитувчи. 1994.

14. Абранова Г.С. Практическая психология. Екатеринбург. 1998.
15. Абрамова Г.С. Возрастная психология. Москва. "Издательство". 2000.
16. Селенюк Л.М. Хрестоматия по возрастной психологии. Москва. 1994.
17. Нелов Р.С. Психология образования. Москва. "Издательство". 1994.
18. Крутецкий В.А. Педагогика психология асослари. Тошкент. 1976.
19. Люблинская А.А. Учителю о психологии младшего школьника. Москва. 1997 .
20. Лисина М.И. Пути влияния семьи и детского учреждения на становление личности школьника.-М.,1979.
21. Личность и ее формирование в детском возрасте.Божович Л.И.- М.,1968.
22. Прихожан А.М., Толстых Н.Н. Дети без семьи. Педагогика . 1990.
23. Голикова М.И. Организация работы с трудными детьми. II. Класный руковод. М. № 1. 1999.
24. Шакурова В.М. Методика и технология работы социального педагога. М. 2002.
25. Делидова И.Ф. Педагогическая психология. Ростов –на Дону. 2003.

26. Залысина И.А., Смирнова Е.О. Некоторые особенности психического развития дошкольников воспитывающихся вне семьи // Вопросы психологии.-1985.-№4.
27. Синягина Н.Ю. Психолого-педагогическая коррекция детско-родительских отношений. М. 2001.
28. Ҳайдаров И.О. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари шахсининг индивидуал ва ижтимоий психологик хусусиятлари. Диссертация. – Тошкент. 1996
29. Юферева Т.И. Особенности формирования психологического пола у подростков, воспитывающихся в семье и в интернате // Возрастные особенности психического развития детей.- М.,1982.